



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МИНТАҚАДА КЎП ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИ ТАКЛИФ ЭТДИ



БОРБОРДУК АЗИЯНЫН МАМЛЕКЕТ БАШЧЫЛАРЫНЫН
ТӨРТҮНЧҮ КОНСУЛЬТАТИВДИК ЖОЛУГУШУУСУ

2022-жылдын 21-июлу, Чолпон-Ата ш.



ЧЕТВЁРТАЯ КОНСУЛЬТАТИВНАЯ ВСТРЕЧА
ГЛАВ ГОСУДАРСТВ ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

21 июля 2022 года, г. Чолпон-Ата

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровнинг таклифига биноан 20-21 июль кунлари Чўлпонота шахрида бўлди.

21 июль куни Чўлпонота шахрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг тўртинчи Маслаҳат учрашуви бўлиб ўтди.

Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров раислигидаги саммитда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон ва Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедов иштирок этдилар.

Минтақавий хавфсизликка замонавий хатар ва таҳдидларга қарши биргаликда чора қўриш борасидаги ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш масалалари, Марказий Осиё давлатларининг барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш, фаол маданий-гуманитар алмашинувларини давом эттириш мақсадида минтақавий шериклиқни кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида ушбу форматда йўлга қўйилган мунтазам мулоқот туфайли Марказий Осиёда дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашга, мутлақо янги конструктив ҳамкорлик муҳитини яратишга муваффақ бўлигинини таъкидлади.

— Марказий Осиёнинг хавфсизлиги ва барқарорлигини, изчил ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш бўйича мураккаб вазифаларни изчил ҳал қилиб келаямиз, — деди Ўзбекистон Президенти.

Бу борада кўплаб тўсиқлар бартараф этилди, фуқароларимиз эркин ҳаракатланиши, фаол маданий ва туристик алмашинувлар амалга оширилиши учун шароитлар яратилди. Ўзаро савдо ва инвестицияларнинг ўсишига хизмат қилаётган қўлай муҳит шакллантирилди.

Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ ТЎРТИНЧИ МАСЛАҲАТ УЧРАШУВИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли ҳамкасблар!
Бугунги учрашувимизнинг барча иштирокчиларини қутлашдан хурсандман.

Ҳурматли ҳамкасбларимизнинг сўзларига қўшилган ҳолда, Қирғизистон Президенти муҳтарам Садир Нурғожоевичга самимий қабул ва саммитни аъло даражада ташкил этгани учун миннатдорлик билдираман.

Шунингдек, Маслаҳат учрашувида илк бор иштирок этаётган ҳурматли Сердар Гурбангулиевични қўриб турганимдан мамнунман.

Бугун бир неча бор таъкидланганидек, ушбу форматда олиб борилаётган мулоқот туфайли дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашга, минтақамизда мутлақо янги конструктив ҳамкорлик муҳитини яратишга муваффақ бўлди.

Марказий Осиёнинг хавфсизлиги ва барқарорлигини, ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлаш бўйича мураккаб вазифаларни изчил ҳал этиб келмоқдамиз.

Бу борада кўплаб тўсиқлар бартараф этилди, фуқароларимизнинг эркин ҳаракатланиши, фаол маданий ва сайёҳлик алмашувлари амалга оширилиши учун шароитлар яратилди. Ўзаро савдо ва инвестицияларнинг ўсишига хизмат қилаётган қўлай муҳит шакллантирилди.

Фақатгина сўнгги беш йилда минтақа ичида товар айирбошлаш ҳажми икки баробар ошди. Биз саноат кооперацияси бўйича қўшма лойиҳаларни амалга оширишга ҳам киришдик, самарали қўшилган қиймат занжирларини яратмоқдамиз, транспорт ва энергетика инфратузилмасини ривожлантирмоқдамиз.

Энг муҳими — барча ижобий ўзгаришларни бизнинг биродар халқларимиз ҳис этмоқда.

Муҳтарам ҳамкасблар!

Жаҳондаги минтақамизга бевосита таъсир кўрсатаётган мураккаб вазият бўйича бугун билдирилган фикр-мулоҳазаларни қўллаб-қувватлайман.

Халқаро тартиботнинг оқибатларини олдиндан айтиш қийин бўлган шиддатли трансформация жараёнлари кузатишмоқда. Биз глобал миқёсда мулоқот ва ишонч тақчиллиги тобора ортиб бораётганига гувоҳ бўлмоқдамиз.

Жаҳон иқтисодиётидаги инқирозли ҳолатлар кучайиб бораётгани натижасида мамлакатларимиз анъанавий логистика занжирлари узилиши билан боғлиқ муаммога дуч келмоқда, инфляциянинг импорти ортмоқда, озиқ-овқат ва энергетика хавфсизлигига нисбатан хавф-хатарлар бир неча бор кўпаймоқда. Бундай шароитда Маслаҳат учрашувлари формати доирасида

кўп томонлама ҳамкорлиқни мувофиқлаштириш ва самарадорлигини ошириш зарурати янада кучаймоқда.

Шуни алоҳида қайд этмоқчиман, бутун минтақамизнинг тинчлиги, барқарорлиги ва фаровонлиги жипслигимизга, Марказий Осиёнинг умумий манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича катъий чоралар қўришга тайёргилимизга боғлиқ.

Ҳурматли давлат раҳбарлари!

Кўп қиррали муносабатларни янада мустаҳкамлаш ва амалий минтақавий ҳамкорлиқни ривожлантириш мақсадида умумий саъй-ҳаракатларимизни қуйидаги муҳим йўналишларга қаратишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Биринчиси — иқтисодий йўналиш. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ижобий ўсиш суръатларига қарамадан, мамлакатларимизнинг савдо-иқтисодий ҳамкорлик салоҳияти тўлиқ ишга солинмасдан қолмоқда.

Турли ҳисоб-китобларга қўра, бугунги кунда минтақа ичидаги савдо улушига мамлакатларимиз ўртасидаги умумий товар айланишининг 5 фоизидан 10 фоизигача бўлган қисми тўғри келмоқда.

Шу муносабат билан ўзаро савдонинг рағбатлантиришнинг янги шакл ва механизмларини фаол жорий қилишни таклиф этамиз.

Товар етказиб беришнинг қоидалари бирхиллаштирилган ва тартиб-таомиллари соддалаштирилган чегара ҳудудларида савдо зоналари тизимини яратиш шулар жумласидандир.

Бу борада учинчи мамлакатлардан қиммат ва ҳар доим ҳам сифатли бўлмаган импорт ўрнини ўзимизнинг ишлаб чиқарувчиларимиз маҳсулотлари ҳисобидан тўлдириш бўйича саъй-ҳаракатларни тушуниш ва қўллаб-қувватлаш муҳим.

Саноат кооперацияси бўйича қўшма лойиҳаларни илгари суриш яна бир муҳим вазифадир. Бизнес доираларимиз минтақа мамлакатлари иқтисодиётларининг рақобат нуктаи назаридан устунликлари ва бир-бирини тўлдириб туришидан фойдаланган ҳолда, ишлаб чиқариш қувватларини яратишдан манфаатдор.

Шу муносабат билан саноатни ривожлантириш миллий дастурлари асосида Марказий Осиёда маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини бошиш маконини шакллантириш бўйича умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Иқтисодиёт тармоқларини рақамлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратишни

таклиф этаман. Бу маҳсулот таннархини камайтириш ва рақобатбардошлигини таъминлаш имконини беради.

Савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш мақсадида ҳудудлараро тўғридан-тўғри ҳамкорлик борасидаги салоҳиятдан кенгроқ фойдаланиш ва ҳар йили Марказий Осиё ҳудудлари форумини ўтказишни йўлга қўйишни таклиф этамиз.

Шу билан бирга, минтақанинг инвестиция соҳасидаги умумий жозибадорлигини ошириш учун ягона қўлай ишбилармонлик муҳитини яратишга интилиш зарур.

Қадрли дўстлар!

Фурсатдан фойдаланиб, яқинда Ўзбекистон ташаббуси билан қабул қилинган БМТ Бош Ассамблеясининг Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро боғлиқлиқни мустаҳкамлаш тўғрисидаги махсус резолюциясини қўллаб-қувватлаганингиз учун сизларга миннатдорлик билдираман.

Ушбу ташаббуснинг давоми сифатида Ҳиндистон, Покистон ва Хитой бозорларига чиқиш учун муқобил транспорт йўлақларини илгари суриш бўйича "йўл харитаси"ни ишлаб чиқиш муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Ҳамкасбларимизнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари юзасидан билдирган таклифларини ҳам қўллаб-қувватлайман.

Шу маънода, мамлакатларимизда етарли миқдорда ишлаб чиқарилаётган кенг турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан аҳолини кафолатли таъминлашнинг комплекс тизимини биргаликда ишлаб чиқиш муҳим, деб ўйлайман. Бу, энг аввало, бошоқли дон, ёғ-мой ва озуқа экинлари, сархил ва қайта ишланган мева-сабзавот, гўшт-сут ва қўллаб бошқа маҳсулотлардир.

Ушбу масалаларда биз, биринчи навбатда, Марказий Осиёнинг умумий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, тизимли ишларни йўлга қўйишимиз лозим.

Иккинчи йўналиш — экология соҳасида кўп томонлама ҳамкорлик. Бизнинг "Марказий Осиё учун "Яшил" кун тартиби" дастурини қабул қилиш тўғрисидаги ташаббусимизни қўллаб-қувватлаганингиз учун самимий миннатдорлик билдираман.

Ушбу дастур доирасида асосий эътиборни иқтисодиётни ис газидан холи қилиш бўйича халқаро мажбуриятларни бажариш; муқобил энергетика, энг аввало, сув, қуёш ва шамолдан электр олишни жадал ривожлантириш, электр энергиясини ўзаро етказиб беришни ташкил

этиш; сувни тежайдиган ва экологик тоза технологияларни кенг жорий этиш, шунингдек, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалаларига қаратишни таклиф этамиз.

Тан олишимиз керак, "яшил тараққиёт" масалаларида биз, афсуски, жаҳоннинг етакчи минтақаларидан анча орқадамиз.

Узоқ истиқболда мамлакатларимизнинг рақобатбардошлигини таъминлаш учун ҳукуматларимизга бугунги кунда қабул қилаётган дастурини амалга ошириш бўйича Аниқ чора-тадбирлар режасини тайёрлашни топшириш зарур.

Гуманитар йўналишда маданият, таълим, спорт ва туризм соҳаларида ҳамда умумий тарихимизни чуқур ўрганиш борасида ҳамкорлик дастурларини амалга ошириш бўйича биргаликдаги ишларни кучайтиришни таклиф этаман. Буларнинг барчаси биродар халқларимизнинг янада яқинлашишига хизмат қилиши шубҳасиз. Мамлакатларимизда Марказий Осиё маданият, санъат ва кино фестиваллари навбатма-навбат ўтказиб боришни таклиф қиламиз.

Туризм соҳасидаги ҳамкорлигимизни кенгайтириш имкониятларига алоҳида эътибор қаратмоқчиман.

Махсус туризм маршрутлари ва маҳсулотларини ишлаб чиқиш, умумий пиар-кампанияларни ўтказиш орқали минтақа ичидаги туризмни фаол рағбатлантириб боришимиз лозим.

Шу мақсадда ўзаро туризм оқимларини ошириш бўйича аниқ таклифларни тайёрлаш учун қўшма экспертлар гуруҳини тузишни таклиф этамиз.

Жорий йил май ойида Тошкент шахрида бўлиб ўтган Марказий Осиё ёшлар форумининг самарали яқунларига алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Ёшларимизнинг қараш ва интилишлари ўхшашлигига, уларнинг улкан интеллектуал салоҳиятига яна бир бор амин бўлди. Уларнинг илғор ташаббуслари, креатив ёндашувлари ва стартап лойиҳаларини бундан буён ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватлашимиз лозим.

Навбатдаги учрашувимизгача Ёшларга доир сиёсатнинг умумий йўналишлари тўғрисида кўп томонлама битим тайёрлашни таклиф этамиз.

Хурматли дўстлар!

Хавфсизлик соҳаси — минтақавий ҳамкорлигимизнинг стратегик йўналишидир.

Минтақавий хавфсизлик бўлинмас ва энг аввало, бизнинг шериклигимиз қанчалик самарали йўлга қўйилганига боғлиқ эканини таъкидламоқчиман.

Шу маънода, экстремизм ва терроризм, уюшган жиноятчилик ва наркотрафик каби анъанавий таҳдидларга қарши курашда амалий ҳамкорлигимизни бундан буён ҳам кучайтириб боришимиз зарур.

Қўламини тобора ортиб бораётган Интернетдаги ноқонуний фаолият билан боғлиқ янги хавф-хатарлар алоҳида эътибор қаратишимизни тақозо этмоқда.

Бугун ушбу таҳдидлар йўлида ҳеч қандай чегара йўқ — улар мобил телефонлар орқали кириб келмоқда.

Афсуски, Ўзбекистонда яқинда рўй берган фожиали воқеалар бизнинг режаларимизни бузишга, минтақамизда беқарор вазиятни вужудга келтиришга уринаётган бузғунчи кучлар мавжуд эканини яна бир бор тасдиқлади.

Шу муносабат билан ушбу йўналишларда минтақа мамлакатларининг Хавфсизлик кенгашлари ва махсус хизматлари раҳбарларининг мунтазам маслаҳатлашувларини йўлга қўйиш таклифини қўллаб-қувватлаймиз.

Афғонистонда узоқ муддатли тинчликни таъминлашга ва унинг ижтимоий-иқтисодий тикланишига қўмаклашиш масалаларида яқиндан ҳамкорлиқни давом эттириш биз учун энг муҳим устувор йўналиш бўлиб қолиши керак.

Биз ушбу мамлакатнинг энг яқин қўшнилари сифатида бу заминдаги барқарорликдан биринчи навбатда ўзимиз манфаатдор бўлишимиз лозим. Мазкур муаммо халқаро ҳамжамият томонидан қандай қабул қилиниши ҳам кўп жиҳатдан айнан бизга боғлиқ.

Шунингдек, ушбу мамлакат билан савдо алоқаларини фаол ривожлантириш, уни минтақамиздаги иқтисодий ҳараёнларга жалб этиш, афғон халқига гуманитар ёрдамни кенгайтириш, муҳим ижтимоий ва инфратузилмавий лойиҳаларни илгари суриш тарафдоримиз.

Ҳурматли ҳамкасблар!

Бугунги саммитимизнинг энг муҳим натижаси, ҳеч шубҳасиз, Марказий Осиёнинг тинчлиги ва барқарор тараққиёти йўлида дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга қаратилган салмоqli ҳужжатлар тўплами қабул қилинаётганидир.

Ҳамкасбларимизнинг фикрларига қўшилган ҳолда, Маслаҳат учрашуви натижалари мамлакатларимиз ўртасида стратегик шериклик ва ишончли мустаҳкамлашга хизмат қилади, амалий ҳамкорлик бўйича қўшма дастур ва лойиҳаларни илгари суриш учун кучли суръат бағишлайди, деб ишонч билдираман.

Эътиборингиз учун раҳмат.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МИНТАҚАДА КЎП ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИ ТАКЛИФ ЭТДИ

Бошланиш 1-бетда

Минтақа мамлакатлари саноат кооперацияси бўйича қўшма лойиҳаларни амалга оширишга киришди, самарали қўшилган қиймат занжирларини яратмоқда, транспорт ва энергетика инфратузилмасини ривожлантирмоқда.

— Энг муҳими — барча ижобий ўзгаришларни биродар халқларимиз хис қилмоқда, — деди мамлакатимиз етакчиси.

Шу билан бирга, давлатимиз раҳбари жаҳондаги мураккаб вазият минтақамизга ҳам бево-сита таъсир кўрсатаётганини таъкидлади.

Халқаро тартиботнинг оқибатларини прогноз қилиш оғир бўлган шиддатли трансформацияси кузатишмоқда. Дунё глобал миқёсда мулоқот ва ишонч тақчиллиги ортиб бораётганининг гувоҳи бўлмоқда.

Жаҳон иқтисодиётидаги инқирозли ҳодисалар кучайиши натижасида мамлакатларимиз анъанавий логистика занжирлари узилиши муаммосига дуч келмоқда, инфляция импорти ортмоқда, озиқ-овқат ва энергетик хавфсизликка хатарлар қаррасига кўпайди.

— Бундай шароитда Маслаҳат учрашувлари формати доирасида кўп томонлама ҳамкорликни мувофиқлаштириш ва самарадорлигини ошириш зарурати янада ошмоқда, — деди Шавкат Мирзиёев. — Алоҳида қайд этаман, бутун минтақанинг тинчлиги, барқарорлиги ва фаровонлиги жипслигимизга, Марказий Осиёнинг умумий манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қатъий чоралар кўришга тайёрглигимизга боғлиқ.

Ўзбекистон Президенти долзарб масалалар юзасидан нуктаи назарини баён қилди ҳамда кўп қиррали муносабатларни янада мустаҳкамлаш ва минтақада амалий ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган қатор таклифларни илгари сурди.

Ижобий суръатга қарамасдан, мамлакатларимизнинг савдо-иқтисодий ҳамкорлик салоҳияти рўёбга чиқарилмасдан қолаётгани таъкидланди. Бугун минтақа ичидаги савдо

ҳиссасига турли ҳисоб-китобларга кўра, мамлакатларимиз ўртасидаги умумий товар айирбошлашнинг 5 фоизидан 10 фоизигача тўғри келмоқда.

Шу муносабат билан ўзаро савдони рағбатлантиришнинг янги шакл ва механизмларини фаол жорий қилиш таклиф этилди. Товар етказиб беришнинг қондалари бирхиллаштирилган ва тартиб-таомиллари соддалаштирилган чегараолди савдо зоналари тизимини яратиш шулар жумласидан.

Давлатимиз раҳбари учинчи мамлакатлардан импортнинг ўрнини минтақа мамлакатларида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан босишга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш борасидаги саъй-ҳаракатларни фаоллаштиришга қачирди.

Саноат кооперацияси бўйича қўшма лойиҳаларни илгари суриш яна бир муҳим вазифадир. Президентимиз индустриал ривожланиш миллий дастурлари асосида Марказий Осиё маҳаллийлаштириш ва импортнинг ўрнини босиш маконини шакллантиришга умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш муҳимлигини қайд этди.

Ўзбекистон етакчиси иқтисодиёт тармоқларини рақамлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратишга қачириб, бу маҳсулот тан-наҳини камайтириш ва рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қилишини таъкидлади.

Савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш мақсадида тўғридан-тўғри ҳудудлараро ҳамкорлик салоҳиятидан кенгроқ фойдаланиш ва ҳар йили Марказий Осиё ҳудудлари форумини ўтказишни йўлга қўйиш таклиф этилди.

Шавкат Мирзиёев минтақадаги ҳамкорларга яқинда Ўзбекистон ташаббуси билан қабул қилинган БМТ Бош Ассамблеясининг Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги махсус резолюция қўлаб-қувватлангани учун миннатдорлик билдирди ҳамда ушбу ташаббуснинг давоми сифатида Ҳиндистон, Покистон ва Хитой бозорлари-

га чиқиш учун муқобил транспорт йўлакларини илгари суриш бўйича “йўл харитаси”ни ишлаб чиқишни таклиф этди.

Иштирокчиларнинг эътибори озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича биринчи навбатда, Марказий Осиёнинг умумий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда тизимли ишларни йўлга қўйиш лозимлигига қаратилди.

Шу мақсадда Президентимиз аҳолини мамлакатларимизда етарли ҳажмда ишлаб чиқарилаётган кенг турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан қарболоатли таъминлашнинг комплекс схемасини биргаликда ишлаб чиқишни таклиф этди.

Экология соҳасидаги кўп томонлама ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга экани қайд этилди.

Ҳамкорларга эътиборни Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқилган “Марказий Осиё учун “Яшил” кун тартиби” дастури доирасида иқтисодиётни қарболоатли таъминлашнинг комплекс ривожлантириш ва ўзаро электр энергияси етказишни ташкил этиш, сув тежовчи ва экологик тоза технологияларни кенг жорий қилиш, шунингдек, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш масалаларига қаратиш таклиф этилди.

Президентимиз “яшил тараққиёт” масалаларида Марказий Осиё давлатлари бугун жаҳоннинг етакчи минтақаларидан анча орқада эканини афсус билан қайд этди.

— Мамлакатларимизнинг узоқ муддатли истиқболда рақобатбардошлигини таъминлаш учун ҳукуматларда бугун қабул қилинаётган дастурни амалга ошириш бўйича Аниқ чора-тадбирлар режасини тайёрлашни топшириш зарур, — деди давлатимиз раҳбари.

Минтақа мамлакатларининг биродар халқларини янада яқинлаштириш мақсадида умумий тарихимизни чуқур ўрганиш, маданият, таълим, спорт ва туризм соҳаларида қўшма дастурларни амалга ошириш зарур.

Шу маънода, Президентимиз Марказий Осиё маданият, санъат ва кино фестивалини навбатма-навбат ўтказиб боришни таклиф қилди.

Махсус туризм маршрутлари ва маҳсулотларини ишлаб чиқиш, ягона пиар-кампанияларни ўтказиш орқали минтақа ичидаги туризмни фаол рағбатлантиришимиз лозимлиги таъкидланди.

Ёшларга доир сиёсатнинг умумий йўналишлари тўғрисида кўп томонлама битим тайёрлаш ташаббуси илгари сурилди.

Давлатимиз раҳбари хавфсизлик соҳасидаги минтақавий ҳамкорликнинг стратегик йўналишларига алоҳида эътибор қаратди.

— Алоҳида қайд этаман, минтақа хавфсизлиги бўлинмас ва, энг аввало, шериклигимиз қанчалик самарали йўлга қўйилганига боғлиқ, — деди Шавкат Мирзиёев. — Шу маънода, экстремизм ва терроризм, уюшган жиноятчилик ва наркотрафикдек анъанавий таҳдидларга қарши курашда амалий ҳамкорлигимизни бундан буён ҳам кучайтириб боришимиз зарур.

Давлатимиз раҳбарининг фикрича, қўлами тобора ортиб бораётган Интернетдаги ноқонуний фаолият билан боғлиқ янги хатарлар алоҳида эътиборни тақозо этмоқда.

Афғонистонда узоқ муддатли тинчликни таъминлашга ва унинг ижтимоий-иқтисодий тикланишига қўмаклашиш масалаларида яқиндан ҳамкорликни давом эттириш биз учун энг муҳим устувор йўналиш бўлиб қолиши кераклиги таъкидланди.

Минтақа давлатлари ушбу мамлакатнинг энг яқин қўшилари сифатида ундаги барқарорликдан биринчи навбатда ўзлари манфаатдор бўлишлари лозим, деди Ўзбекистон етакчиси.

Ушбу мамлакат билан савдо алоқаларини фаол ривожлантириш, уни минтақадаги иқтисодий жараёнларга жалб қилиш, афғон халқига гуманитар ёрдамни кенгайтириш, муҳим ижтимоий ва инфратузилмавий лойиҳаларни илгари суриш муҳим экани қайд этилди.

Президентимиз сўзининг якунида Маслаҳат учрашуви натижалари мамлакатларимиз ўртасида стратегик шериклик ва ишонччи мустаҳкамлашга хизмат қилишига, амалий ҳам-

корлик бўйича қўшма дастур ва лойиҳаларни илгари суришга кучли суръат бағишлашига ишонч билдирди.

Қозғоғистон, Тожикистон, Туркманистон ва Қирғизистон Президентлари ўз нутқларида бундай мунтазам учрашувларнинг долзарб аҳамиятини алоҳида қайд этиб, минтақада дўстлик, яхши қўшничилик ва шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашга қаратилган қатор ташаббусларни илгари сурдилар.

Саммит якунида XXI асрда Марказий Осиёни ривожлантириш йўлидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди. Давлат раҳбарлари Чўпонота Маслаҳат учрашувининг қўшма баёоти, 2022-2024 йилларда минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш бўйича йўл харитаси, “Марказий Осиё учун “Яшил” кун тартиби” минтақавий дастури ҳамда Марказий Осиё давлатларининг кўп томонлама форматлар доирасидаги ҳамкорлиги концепциясини қабул қилдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви доирасида Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан учрашув ўтказди.

Учрашувда олиб даражада эришилган келишувларни амалга ошириш асосида яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди.

Савдо, саноат, қишлоқ ҳўжалиги, энергетика, транспорт ва логистика соҳаларида қўшма лойиҳаларни илгари суриш ҳамда амалий ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ва Тожикистон Президентлари долзарб минтақавий масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қирғиз Республикасига ташрифи якунланди.

ЎЗА

ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР ФИКРИ

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТАШАББУСЛАРИ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ ЎРТАСИДА ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК МУҲИТИНИ МУСТАҲКАМЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Қирғизистоннинг Чўпонота шахрида Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг тўртинчи Маслаҳат учрашуви бўлиб ўтди. Саммитда давлат раҳбарлари минтақавий хавфсизликка оид замонавий таҳдидларга биргаликда жавоб беришда ҳамкорликни мустаҳкамлаш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш, Марказий Осиё давлатларининг фаол маданий-гуманитар алмашинуви давом эттириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Ўзбекистон Президенти саммитдаги нутқда бундай форматдаги мунтазам мулоқотлар самарасида дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатлари мустаҳкамланаётганини таъкидлаб, Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликнинг мутлақо янги, конструктив муҳитини яратишга оид ўта долзарб ташаббусларни илгари сурди.

Президентимизнинг Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Маслаҳат учрашувидаги иштироки ва минтақавий ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қиладиган муҳим таклифлари хорижий экспертлар ва сиёсатчилар томонидан ҳам фаол қўллаб-қувватланмоқда.

ривожлантириш борасида қатор таклифлар ишлаб чиқилди, уларнинг аксарияти халқаро ҳамкорлар ва жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Хусусан, 2021 йил 15-16 июль кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги халқаро конференция натижалари икки қўшни минтақа ўртасидаги барча соҳаларда мавжуд улкан салоҳиятни яққол кўрсатди. Бундан бир неча кун аввал БМТ Бош Ассамблеясининг Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги махсус резолюциянинг қабул қилингани алоҳида диққатга сазовор.

Бу борада Марказий Осиё давлат раҳбарлари Маслаҳат учрашувида ўртага ташланган Жанубий ва Шарқий Осиё мамлакатларига, хусусан, Ҳиндистон бозорига чиқиш учун муқобил транспорт йўлакларини ривожлантириш бўйича “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш таклифини тўлиқ қўллаб-қувватлайман. Ўйлайманки, ушбу долзарб ташаббуснинг ҳаётга татбиқ этилиши барча томонлар учун бирдек муҳим ва Жанубий Осиё минтақаси давлатлари томонидан ҳам қўллаб-қувватланади.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг бевосита ташаббуси билан бундан 4 йил аввал шаклланган Марказий Осиё давлат раҳбарлари Маслаҳат учрашуви бугунги кунда минтақадаги ягона ва муҳим мулоқот платформасига айланди. Мазкур мулоқот форматининг самарали фаолияти ва амалий аҳамияти дунёнинг турли минтақаларидаги қўллаб-қувватлар учун намуна ҳисобланади, деб биламан.

Ксенофонт Ламбракис, Греция-Евроосиё альянси президенти, Ўзбекистоннинг фахрий консули:

— Мен Ўзбекистонда туғилиб ўсганман ва Марказий Осиё минтақаси халқлари ўртасида маданият, таълим, туризм, спорт ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш нақадар муҳим эканини яхши тушунаман.



Саммитни ана шундай очиқ шаклда ўтказиш ташаббуси Президент Шавкат Мирзиёевга тегишли эканидан фахрланамиз ҳамда уни ушбу муҳим ва зарур анъана асосчиси, деб биламиз.

Мен ушбу саммитни олқишлайман, чунки унда қўллаб-қувватлар каторида, жумладан, ёшлар, маданият, спорт ва бошқа муҳим соҳалардаги ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинади. Ёшлар — келажакимиз, Ўзбекистонда мамлакатнинг жадал ривожланиш жараёнида ёш авлод вакиллари алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мен, Греция-Евроосиё альянси президенти сифатида ушбу соҳаларнинг барчасида “халқ дипломатияси” орқали Греция, Европа ва Марказий Осиё ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга қўмаклашиш, Ўзбекистон томонидан илгари сурилган ташаббусларни тартиб қилиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тарафдориман.

Хосе Вентура Сталестер, Испаниянинг Бателес ва халқаро тадқиқотлар жамғармаси халқаро ҳамкорлик бўлими бошлиғи:

— Ушбу саммит Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун муҳим платформадир. Шу билан бирга, Маслаҳат учрашувида Президент Шавкат Мирзиёев томонидан минтақавий доирада амалий ҳамкорликни кенгайтириш бўйича илгари сурилган ташаббуслар айна пайтда жуда долзарб ва амалий эканини алоҳида таъкидлашни муҳим, деб биламан.

Ўзбекистон сўнгги беш йилда МДХ ҳамда Марказий ва Жанубий Осиё йўналишларидаги саъй-ҳаракатларини сезиларли даражада фаоллаштирди. Буни 2021 йил 15-16 июль кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва



имкониятлар” мавзусидаги халқаро конференция ва жорий йил 25-26 июль кунлари бўлиб ўтадиган Афғонистон бўйича Тошкент конференцияси сингари глобал тадбирлар ҳам тасдиқлайди.

Бундан ташқари, кейинги йилларда Ўзбекистоннинг халқаро тузилмалардаги иштирокини кенгайтириш тенденцияси мамлакатнинг минтақавий тузилмалардаги мавқеини ҳам мустаҳкамлашга яхши туртки бермоқда.

Маслаҳат учрашувида Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилган ташаббусларга тўхталдиган бўлсак, маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босиш бўйича Марказий Осиё маконини яратиш каби муҳим таклифни қайд этишни ўринли, деб ҳисоблайман. Бу шубҳасиз, минтақаларо савдо тезлиги ва экспорт ҳажминини оширишга кучли туртки беради.

Ўзбекистон етакчиси яна бир муҳим жиҳат — Афғонистон билан савдо алоқаларини фаол ривожлантириш, уни минтақавий иқтисодий жараёнларга жалб этиш, инсонпарварлик ёрдами қўламини кенгайтириш, муҳим ижтимоий ва инфратузилмавий лойиҳаларни илгари суришга яна бир қарра алоҳида эътибор қаратгани эътирофга молиқдир.

Анна Вольхатт, “Berliner Telegraph” журналининг Шарқий Европа, Кавказ ва Марказий Осиё бўйича иқтисодий эксперти ва шарҳловчиси (Германия):

— Сўнгги пайтларда бундай мазмун ва шаклдаги саммитларнинг мунтазам ўтказилаётганини фақат олқишлаш мумкин. Зеро, Марказий Осиё катта геостратегик ва геоиқтисодий аҳамиятга эга, 74 миллиондан ортиқ аҳолига эга минтақадир. Минтақа давлатларининг тарихи ва маданияти, иқтисодиёти ва инфратузилмаси бир-бири билан чамбарчас боғлиқ.

Ўзбекистон раҳбари Шавкат Мирзиёев лавозимга киришгандан бир йил ўтиб, 2017 йилда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг шундай мазмундаги Маслаҳат учрашувларини мунтазам асосда ўтказиш ташаббуси билан чиққан эди. У Ўзбекистоннинг асосий мақсади Марказий Осиёни барқарор, иқтисодий ривожланган ва фаровон минтақага айлантириш эканини, бунга фақат биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан эришиш мум-

кинлигини қайта-қайта таъкидлайди. Ўзбекистон раҳбарининг ташаббуси кенг қўллаб-қувватланди ва амалиётга жадал татбиқ этилмоқда.

Навбатдаги Маслаҳат учрашувида Президент Шавкат Мирзиёев товар етказиб беришнинг қондалари бирхиллаштирилган ва тартиб-таомиллари соддалаштирилган чегара ҳудудларида савдо зоналари тизимини яратиш, шунингдек, саноатни ривожлантириш миллий дастурлари асосида Марказий Осиёда маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босиш маконини шакллантириш бўйича умумий ёндашувларни ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлади.

Минтақа ноёб салоҳиятга эга. Янги воқеликлар минтақада иқтисодий ҳамкорликнинг янги моделини яратиш бўйича қатъий қадамлар қўйишни талаб қилмоқда, Марказий Осиё давлатлари, асосан, бир-бирини тўлдирадиган иқтисодиётларга эга, янги ўсиш нукталари ва ривожланиш механизмларини биргаликда излаш учун устувор вазифа ва имкониятдир.

Айдин Аскеров, Латвиянинг Марказий Осиё ва Яқин Шарқ сиёсий тадқиқотлар халқаро институти президенти:

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг Қирғизистонга ташрифи ва Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашувида иштирок этиши минтақа давлатлари ўртасидаги минтақавий шерикликнинг янги даврини очмоқда.

Ишончим комилки, Маслаҳат учрашувида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган ташаббуслар минтақа давлатларини янада яқинлаштириш жараёнларида, юзга келаётган таҳдидларни енгишда саъй-ҳаракатлари бирлаштиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг саноат кооперацияси, транспорт ва энергетика инфратузилмасини ривожлантириш, чегаравий савдо зоналарини яратиш, иқтисодий тармоқларини рақамлаштириш ва янги транспорт йўлакларини ривожлантиришга оид “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш бўйича таклифлари Марказий Осиё минтақасининг сезиларли иқтисодий ўсишига хизмат қилади.

“Дунё” АА



Санжай Кумар Пандей, Хиндистоннинг Жаваҳрлал Неру университети Россия ва Марказий Осиё давлатларини ўрганиш маркази профессори:

— Бутун дунёда кескинлаш ва рақобат ортиб бораётган таҳликали бир вақтда Чўпонота шахрида Марказий Осиё давлат раҳбарларининг тўртинчи Маслаҳат учрашувининг ташкил этилиши ҳар доимидан ҳам долзарб аҳамиятга эга.

Марказий Осиё минтақаси мамлакатларининг изчил тараққиёти, аҳоли ҳаёт даражасининг мунтазам ўсиб бораётгани ушбу мамлакатлар иқтисодиётининг ривожини билан бево-сита боғлиқ. Маслаҳат учрашувида Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган минтақа учун ҳаётий муҳим ташаббуслар, хусусан, савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича таклифлар ҳаётга изчил татбиқ этилади ва ўзининг амалий натижаларини кўрсатади, деб ҳисоблайман.

Барчамизга маълум, Ўзбекистон раҳбарияти томонидан қўшни давлатлар, Марказий Осиё мамлакатлари ҳамда минтақадан ташқаридаги давлатлар ўртасидаги ўзаро дўстлик алоқаларини



МИНТАҚАВИЙ СИЁСАТ

МАРКАЗИЙ ОСИЁ РУҶИ

яратувчанлик ва тараққиёт тимсоли

Анвар НОСИРОВ,
Марказий Осие халқаро институти директори

Куни кеча Ўзбекистонда шахрида Марказий Осие давлатлари раҳбарларининг навбатдаги, тўртинчи Маслаҳат учрашуви бўлиб ўтди. Анжуман давомида беш мамлакат етакчилари кун тартибидagi долзарб масалаларни муҳокама қилди, ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларини кўриб чиқди, минтақавий ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш ва кўп томонлама шерикликни кенгайтиришга қаратилган устувор вазифаларни белгилаб олди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоиз, Марказий Осие давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувларини ўтказиш ташаббуси Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил сентябрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 72-сессиясида янраган эди.

Ушбу нуфузли анжуманда Ўзбекистон етакчиси минтақа давлатлари раҳбарларининг мунтазам равишдаги учрашувлари Марказий Осиеда шаклланаётган ижобий тенденцияларни мустаҳкамлашни айтганди.

“Биргаликдаги саяё-ҳаракатларимиз туйфайли кейинги ойларда минтақамизда сиёсий ишонч даражаси сезиларли даражада ошди. Кўплаб масалалар бўйича принципиал жиҳатдан муҳим ечимлар топишга эришилди... Марказий Осиенинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон ушбу минтақа барқарорлик, изчил тараққиёт ва яхши кўшничилик ҳудудига айланишидан бевосита манфаатдордир. Тинч-осойишта, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган Марказий Осие — биз интиладиган энг муҳим мақсад ва асосий вазифадир. Ўзбекистон ўзаро мулоқот, амалий ҳамкорлик ва яхши кўшничиликни мустаҳкамлашнинг қатъий тарафдоридир”, деган эди давлатимиз раҳбари.

Ушбу ташаббус Марказий Осие давлатлари томонидан ҳар жиҳатдан кўллаб-қувватланди ва дастлабки саммит тез орада — 2018 йил март ойда Нур-Султон шаҳрида ўтказилди.

Айни форматда илк бор уюштирилган мулоқотнинг энг муҳим, ўзига хос хусусияти давлат раҳбарларининг биргаликда олдинда турган вазифаларни бажариш ва минтақада мавжуд муаммоларни бартараф этиш, ташқи кучлар аралашувисиз тараққиётга эришиш, шунингдек, Марказий Осиеда барқарорлик ва хавфсизликка нисбатан юзага келаётган хатарларга жавоб бериш учун жиҳатли зарурлиги тўғрисида яқдил фикрда экани бўлди. Музокаралар якунида шундай учрашувларни мунтазам тарзда ўтказиш бўйича қарор қабул қилинди.

Янгидан тузилган формат ишида Ўзбекистон пойтахти — Тошкент шаҳрида 2019 йил ноябрда ташкил этилган иккинчи Маслаҳат учрашуви муҳим аҳамият касб этди. Сермазмун учрашувлар давомида беш давлат етакчилари Марказий

БУГУНГИ КУНДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН КАПИТАЛИ ИШТИРОКИДА ҚАЙТА ИШЛАШ САНОАТИ, ҚУРИЛИШ, ЭЛЕКТРОТЕХНИКА, САВДО ВА ИҚТИСОДИЁТНИНГ БОШҚА ТАРМОҚЛАРИГА ИХТИСОСЛАШГАН 3 МИНГДАН ЗИЁД КОРХОНА ФАОЛИЯТ КЎРСАТМОҚДА. ЎЗБЕКИСТОН БОЗОРИГА ҚЎШНИ МАМЛАКАТЛАР ҲАМ ЖИДДИЙ ҚИЗҚИШ БИЛДИРМОҚДА. БИРГИНА ЎТГАН ЙИЛНИ ТАҲЛИЛ ЭТАДИГАН БЎЛСАК, ЮРТИМИЗДА ҚЎШНИ ДАВЛАТЛАР КАПИТАЛИ ИШТИРОКИДАГИ КОРХОНАЛАР СОНИ ЎСИШИ БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ СУРЪАТНИ КУЗАТИШ МУМКИН: ҚОЗОҒИСТОН — 856 ТАДАН 1109 ТАГА, ҚИРҒИЗИСТОН — 169 ТАДАН 258 ТАГА, ТОЖИКИСТОН — 171 ТАДАН 240 ТАГА ВА ТУРКМАНИСТОН — 155 ТАДАН 160 ТАГА.

Осиеда кўп томонлама ҳамкорлик форматига нисбатан ягона ёндашув ишлаб чиқиш, тузилма фаолиятини умумий хусусияти эга масалаларни ҳал этиш учун долзарб кун тартиби билан тўлдиршига жиддий эътибор қаратди.

Сиёсат ва хавфсизлик, иқтисодиёт ва савдо, транспорт ва транзит, энергетика ва сув масаласи каби йўналишларда яқин ва изчил ҳамкорликда иш олиб боришга қаратилган қатор долзарб ташаббуслар илгари сурилди.

Бундан ташқари, беш давлат раҳбарлари энергетика соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш зарурлигини яхши англашларини намоён этишди, бу борада минтақада ягона инфратизим яратиш ва бошқа самарали ишларни амалга ошириш учун истиқболда кўплаб қўшма лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш лозимлигини таъкидлади.

Томонлар барча мамлакатлар минтақалари даражасида фаол аламинув ва алоқаларни кўллаб-қувватлаш, шунингдек, илм-фан, таълим, туризм, маданият ва спорт йўналишларида мунтазам равишда биргаликда тадбирлар ўтказишга келишиб олди. Саммит якуни бўйича Қўшма баёнот қабул қилинди ҳамда Маслаҳат учрашувларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш регламенти маъқулланди.

2021 йил августда Туркменистондаги “Аваза” миллий сайёҳлик зонасида бўлиб ўтган Марказий Осие Президентларининг учинчи Маслаҳат учрашуви ҳам жуда самарали бўлди. Давлат раҳбарлари умумминтақавий бозор ташкил этиш ва инфратизим лойиҳаларини амалга ошириш, ягона энергетика майдонини шакллантириш ва Марказий Осие давлатлари иқлим ўзгаришига

мослашишни таъминлашга қаратилган “яшил” энергетикани жорий этиш масалаларини муҳокама қилди.

Саммит доирасида олий даражадаги учрашув билан бирга, қатор тадбирлар ҳам ўтказилди. Иқтисодий форум, миллий маҳсулотлар кўргазмаси, Марказий Осие етакчи аёллари мулоқоти йигилиши, миллий таомлар фестивали ва минтақа мамлакатлари санъат усталарининг гала-концерти шулар жумласидан.

Шубҳасиз, олий даражадаги учрашувларга доимий тус берилиши ва Маслаҳат учрашувлари доирасидаги ҳамкорлик формати мустаҳкамланиши барча иштирокчи мамлакатлар учун улкан сиёсий-иқтисодий, савдо-инвестицион, маданий-гуманитар наф келтирди.

Биргаликдаги саяё-ҳаракатлар туйфайли Марказий Осие давлатларининг ягона иқтисодий, маданий-цивилизацияцион маконда мунтазам ва барқарор ривожланиши учун шарт-шароит яратиш йўлида иш олиб борилмоқда. Муҳими, минтақавий яқинлашишнинг ҳал қилувчи мақсадларидан бирига эришилди: қардош халқлар бир-бири билан ҳеч қандай сунъий тўсиқларсиз, қийинчиликсиз ҳамкорлик қила олади.

Яна бир нарсани таъкидлаш лозим, мамлакатларимизнинг минтақавий хусусиятга эга энг долзарб масалаларга, ташқи таҳдид ва хатарларга нисбатан умумий ёндашувни шаклланимоқда. Ушбу жараёнда Афғонистондаги вазиятдан умумий хавотир ва ушбу салбий ҳолатни, жумладан, ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш орқали меъёрига келтиришга тайёрлик муҳим аҳамият касб этади.

“Биз Марказий Осие минтақасида ўзаро ҳамжиҳатлик ва ҳурмат, яқин кўшничилик ва стратегик шериклик руҳидаги мутлақо янги сиёсий муҳитни мустаҳкамлаб бормоқдамиз. Бизнинг асосий мақсадимиз — Марказий Осие фаворон ва барқарор ривожланаётган, ишонч ва дўстлик маконига айлантириш-дир”, деди Ўзбекистон етакчиси ўтган йил сентябрь ойда бўлиб ўтган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 76-сессиясидаги нутқида.

Маслаҳат учрашувлари буни тасдиқламоқда, шу билан бирга, иштирокчиларнинг Марказий Осие хавфсиз ва гуллаб-яшнаётган ҳудудга айлантиришга интилиб, муносабатларни босқичма-

босқич мустаҳкамлаб боришдан манфаатдорлигини кўрсатмоқда. Етакчиларнинг қайд этишича, ташқи сиёсат чиқиқларни ўзаро яқинлаштириш, сиёсат, хавфсизлик, иқтисодиёт ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни фаоллаштириш тарихий асосларга эга ҳақиқатдир.

Бундай ўзгаришлар натижасида ички минтақавий масалалар бўйича келишилган ёндашувлар ишлаб чиқилмоқда ва халқаро майдонда ҳам жиҳатлашув яққол кузатишмоқда. Айни жараёнда БМТ тизимида ва бошқа халқаро тузилмаларда масъул лавозимларга сайловлар чоғи Марказий Осие давлатлари ўзаро бир-бирини кўллаб-қувватлаётгани, юқори даражадаги глобал, минтақавий форумлардаги чиқишлардаги келишилган, умумий позициялар, шунингдек, минтақавий кун тартибидagi долзарб масалалар бўйича қўшма баёнотларни эслаш ўринли.

Умумий саяё-ҳаракатларимиз натижасида БМТ Бош Ассамблеясининг минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, диний бағрикенгликни илгари суриш, туризмини ривожлантириш, Орол муаммосини ҳал этишга қаратилган бир қатор резолюциялари қабул қилинди. Минтақадаги янгилашиллар, ички минтақавий тарқоқликдан жиҳатлашув ва жадал ривожланиш сари ташланаётган дадил одимлар савдо-иқтисодий ҳамкорлик чуқурлашишидек ижобий шаклда намоён бўлмоқда.

Шерикликнинг идоралараро ва ҳукуматлараро механизмлари шаклланимоқда. Масалан, мамлакатларимиз парламентлари ва ҳукуматлари ҳамкорлик қилмоқда, сув ҳўжалиги бўйича қўшма комиссиялар ва бошқа турли шакллардаги

Давр нафаси



“2021 ЙИЛ АВГУСТДА ТУРКМАНИСТОНДАГИ “АВАЗА” МИЛЛИЙ САЙЁҲЛИК ЗОНАСИДА БЎЛИБ ЎТГАН МАРКАЗИЙ ОСИЁ ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ УЧИНЧИ МАСЛАҲАТ УЧРАШУВИ ҲАМ ЖУДА САМАРАЛИ БЎЛДИ. ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ УМУММИНТАҚАВИЙ БОЗОР ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ИНФРАТИЗИМ ЛОЙИҲАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ, ЯГОНА ЭНЕРГЕТИКА МАЙДОНИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИГА МОСЛАШИШНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН “ЯШИЛ” ЭНЕРГЕТИКАНИ ЖОРИЙ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИ.

умумий тузилмалар муваффақиятли иш олиб бормоқда. Ҳўжалик субъектлари, муассаса ва ташкилотлар ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар мустаҳкамланяпти. Барқарор шериклик ўрнатишга кўмаклашувчи минтақалараро форумлар ўтказиш йўлга қўйилди.

2020 йил, пандемияга қарамай, Марказий Осие давлатлари ҳамкорлик ритмини сақлаб қолишга эришди, муайян ҳолатларда бир-бирларига ёрдам берди ва шу орқали мураккаб вазиятларда бирдамлик ва инсонпарварлик ҳислатларини намоён этди. 2021 ва 2022 йилларда бу тенденция нафақат сақланиб қолди, балки янада жадал тус олди. Ўсиш суръати, айниқса, иқтисодий кўрсаткичларда яққол кўринади.

Масалан, Марказий Осие давлатларининг умумий ЯИМ 2016-2021 йиллар мобайнида 253 миллиард доллардан 327 миллиард долларга кўтарилди. Худди шундай ўсиш ички минтақавий савдода ҳам кузатилди. Минтақадаги ички савдо ҳажми 2016-2021 йилларда 60 фоиз ўсиб, 172,3 миллиард долларга етди. Шу даврда Марказий Осие минтақасига тўғридан-тўғри инвестиция 35 фоиз кўпайиб, 36,4 миллиард долларни ташкил этди. Айни вақтда “Boston Consulting Group” (BCG) таҳлилига кўра, келгуси ўн йилликда минтақага 170 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб қилиниши, жумладан, 40-70 миллиард доллар сармоя ноҳомаш тармоғига киритилиши тахмин қилинмоқда.

Томонлар икки ёқлама шаклдаги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш орқали ҳамкорликни мустаҳкамлаш жараёнини изга солишга ҳам эришди. Қўшма корхоналар сони йил сайин сезиларли даражада ошмоқда. Саноат кооперацияси жадал ривожланмоқда. Ижобий жараёнлар, табиийки, Ўзбекистонга ҳам бевосита алоқадор. Мамлакатимизнинг Марказий Осие давлатлари билан савдо айланимаси ўсиб бораётгани бунга яққол мисол. Охириги беш йилда савдо ҳажми 3,5 баробардан зиёдроқ ўсиб, 2021 йил 8,4 миллиард долларни ташкил этди.

Ўзбекистоннинг минтақа давлатлари билан инвестициявий ҳамкорлиги кенгаймоқда. Айни йўналишдаги ҳамкорликнинг янги шакли сифатида Ўзбек — Қирғиз тараққиёт жамғармаси ва Ўзбек — Тожик инвестиция компаниясини қайд этиш мумкин.

Бугунги кунда Марказий Осие давлатларида Ўзбекистон капитали иштирокида қайта ишлаш саноати, қурилиш, электротехника, савдо ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига ихтисослашган 3 мингдан зиёд корхона фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон бозорига қўшни мамлакатлар ҳам жиддий қизиқиш билдирмоқда. Биргина ўтган йилни таҳлил этадиган бўлсак, юртимизда қўшни давлатлар капитали иштирокидаги корхоналар сони ўсиши бўйича қуйидаги суръатни кузатиш мумкин: Қозоғистон — 856 тадан 1109 тага, Қирғизистон — 169 тадан 258 тага, Тожикистон — 171 тадан 240 тага ва Туркменистон — 155 тадан 160 тага.

Барча давлатлар билан автомобилсозлик, енгил саноат, агросаноат мажмуаси кооперацияси бўйича кўплаб ириқ лойиҳалар йўлга қўйилган ёки амалга оширилмоқда. Марказий Осие давлатларининг транспорт соҳасидаги, жумладан, минтақада халқаро транспорт йўлаклари ҳосил

қилиш ва халқаро транспорт инфратизимини яратишга қаратилган ҳамкорлиги янгича ривожланиш йўлига тўшиб олди. Ушбу мақсадларга эришилиши минтақа давлатлари экспорт маҳсулотларини жаҳон бозорларига чиқаришда транспорт харажатлари камайишига олиб келади.

Қолаверса, Марказий ва Жанубий Осие минтақаларини ўзаро боғлайдиган “Термиз — Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар” йўлига ҳам кенг имкониятлар очади. “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўли қурилиши яна бир муҳим лойиҳа бўлиб, ҳозир амалдаги йўналишларга қараганда мавжуд масофани 900 километр қисқартиради. Шунда ХХРдан чиққан юкни Ўзбекистон орқали Европага ва жанубий йўналишдаги бошқа мамлакатларга етказиш муддати етти-саккиз кун камаяди.

Ўзаро ишонч мустаҳкамланиши, бир-бирини кўллаб-қувватлаш кучайиши туйфайли Марказий Осие давлатлари минтақа учун жуда зарур бўлган ташаббус ва лойиҳалар амалга оширилишини тўхтатиб келган кўплаб муаммолар масалаларни ҳал этишга муваффақ бўлди. Бу жараёнда, айниқса, жуда кўп ҳолларда қарама-қаршиликлар келтириб чиқарган, можаролар юзага келишига сабаб бўлган сув соҳасидаги муносабатлар қатъий тарзда ижобий томонга ўзгарганини эътироф этиш керак.

2018 йил сўнгги ўн йил ичида илк бор Оролни кўтқариш халқаро жамғармаси (ОҚХЖ) таъсисчи давлатлари раҳбарлари саммити ўтказилди. Бу мамлакатларимизнинг Оролбўйини экологик соғломлаштириш билан шуғулланишга, трансчегаравий сув оқимларидаги сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва ушбу манбаларни асраш йўналишида биргаликда ишлашга тайёрлигини кўрсатди.

Шу ўринда мисол тариқасида Ўзбекистоннинг Тожикистон ва Қирғизистон билан гидроэлектростанциялар қуриш бўйича муносабатларни ривожланиши суръатига алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади. Шунингдек, Ўзбекистон сув ҳўжалиги соҳасида Туркменистон билан ҳам изчил ҳамкорлик ўрнатгани аҳамиятли. Ўтган йилдан бошлаб Ҳукуматлараро сув ҳўжалиги комиссияси иш бошлади. Яқинда Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедовнинг Ўзбекистонга давлат таширифи якуни бўйича Амударё сув ресурсларини бошқариш, муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш тўғрисида тарихий битим имзоланди.

Сўнгги йилларда маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик ҳам янги босқичга кўтарилди. Халқ дипломатияси жадал ривожланмоқда. Қардош халқларнинг тарихий ва теран гуманитар алоқаларини мустаҳкамлаш, дўстлик, яхши кўшничилик ва бир-бирини тушуниш муҳитини янада яхшилаш имконини берадиган маданият ва кино кунлари, фестиваллар ўтказилиши мунтазамлик касб этди. Шунингдек, минтақанинг маданий меросини асраш ва ривожлантиришга бағишланган тадбирлар ташкил этилиши ҳам аъёнага айланди. 2021 йил сентябрь ойда Хива шаҳрида бўлиб ўтган “Марказий Осие жаҳон цивилизациялари чорраҳасида” халқаро маданият форуми чоғида бой ва жуда қизиқарли тажриба тўпланди. Мазкур анжуманда иштирокчилар Марказий Осиенинг ноёб меросини асраш билан боғлиқ долзарб илмий масалаларни муҳокама этди.

Мамлакатларимиз томонидан йўлга қўйилган ҳамкорлик ўсиб боришининг ижобий даражасига, шубҳасиз, Марказий Осие давлатлари раҳбарларининг Ўзбекистон шаҳрида бўлиб ўтган тўртинчи Маслаҳат учрашуви қўшимча суръат бахш этади. Ўзаро муносабатлар хусусиятидан ва томонларнинг шерикликни янада мустаҳкамлашга бўлган интилишидан келиб чиқиб, қуйидаги йўналишларни яқин ва ўрта муддатли истиқбол учун устувор этиб белгилаш мумкин:

Биринчидан, конструктив ва ўзаро манфаатли минтақавий ҳамкорликни таъминлаш.

Иккинчидан, мамлакатларимиз учун халқаро майдонда манфаатли бўлган ташаббусларни илгари суриш имконини берадиган изчил ҳамкорликни кучайтириш. Ушбу ташаббусларни амалга ошириш давлатларнинг ва, умуман, минтақанинг барқарор ривожланишига кўмаклашади.

Учинчидан, ўзаро савдони ва саноат кооперациясини янада жадаллаштириш. Бир неча йил давомида мамлакатларимиз ҳамкорлигининг мустаҳкам пойдеворини яратди. Бунинг ижобий самарасини минтақанинг ҳар бир давлати ўзида ҳис этмоқда. Ҳозирги босқичда, айниқса, иқтисодиётда рақамлаштиш жараёни тезлашаётгани ва “яшиллик” устуворлиги ортаётганини ҳисобга олган ҳолда, шерикликнинг янги соҳаларини илгари суриш жуда муҳим.

Тўртинчидан, транспорт-коммуникация соҳасидаги ўзаро боғлиқликни ривожлантириш. Замонавий глобал тенденцияларни инобатга олиб, мавжуд тўсиқларни бартараф қилиш, ўзаро келишилган ҳолда имтиёзлар ва преференциялар тақдим этиш зарур.

Бешинчидан, энергетика соҳасидаги ҳамкорлик. Иқтисодиётлар барқарор ривожланишини таъминлаш, зарур ҳажмдаги энергия манбаларини яратиш ва “яшил” кун тартибини илгари суриш мақсадида давлатларимиз минтақанинг икки ёки ундан ортқ мамлакатни манфаатига хизмат қиладиган қўшма лойиҳаларни амалга ошириши керак.

Олтинчидан, сув-экология соҳасида ҳамкорлик. Замонавий босқичда Марказий Осие давлатлари иқлим билан боғлиқ авваллари мисли қурилмаган босимини ва бунинг салбий оқибатини ҳис этмоқда. Шунинг учун ҳам қурғоқчиликка қарши курашиш, биологик хилма-хилликни асраш ва меъёрий сув таъминотига эришиш, “яшил” иқтисодиёт, жумладан, Оролбўйидаги вазиятни соғломлаштиришга қаратилган лойиҳаларни илгари суриш борасидаги саяё-ҳаракатларни мувофиқлаштириш лозим.

Бу жараёнда конструктив мулоқот учун ягона ва ноёб кўп томонлама майдон ҳисобланган ОҚХЖ хал қилувчи ўринни эгаллаши керак.

Еттинчидан, маданий, маънавий ва миллий қадриятлар яқинлиги назарда тутилса, гуманитар алоқаларни, жумладан, халқ дипломатияси ёрдамида, турли маданий тадбирлар уюштириш орқали ҳар томонлама чуқурлаштириш масалалари диққат марказига чиқади.

Саккизинчидан, хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик. Марказий Осие — дунёда биринчи бўлиб БМТнинг Глобал аксмиттерор стратегиясини амалга ошириш бўйича Қўшма ҳаракатлар режасини ишлаб чиққан ва зиммасига ушбу ҳужжатни имплементация қилиш мажбуриятини олган минтақа ҳисобланади. Бу аъёнавий ва янги таҳдидлар, хатарларга қарши туриш бўйича саяё-ҳаракатларни мувофиқлаштириш жараёнини ривожлантиришга хизмат қилади.

Минтақа давлатлари ўртасидаги муносабатлар ривожининг бугунги суръати мамлакатларимиз конструктив сиёсий мулоқотни янада мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорликни кучайтириш ва маданий-гуманитар алоқаларни чуқурлаштиришга қатъий содиқлигини тасдиқлайди.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

МУНОСАБАТ

АҲОЛИ ТАКЛИФЛАРИ АСОСИДА
ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР БЕРИЛМОҚДА

2022 йилда юз бераётган геосиёсий нохуш воқеалар туфайли жаҳон бозорида кескин салбий ўзгариш ва ресурслар билан таъминотда ўзилишлар юз берапти. Бу ҳолат глобал тизимларнинг бир бўлаги бўлган Ўзбекистон иқтисодиётига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Шу боис, иқтисодиёт тармоқларини барқарор ривожлантириш ва аҳолини озиқ-овқат билан узлуксиз таъминлаш масаласи мамлакат раҳбариятининг алоҳида эътиборида турибди. Жаҳон савдо конъюнктурасида юз бераётган ўзгаришларга мос равишда мамлакатимизда тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқиляпти ва улар ҳаётга жорий этиляпти.



Хуршид АСАДОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
хузуридаги Иқтисодий
тадқиқотлар ва ислохотлар
маркази директори ўринбосари

экспорт қилинди. Ҳозирга қадар ажратилган 64 минг гектарда жами 785 минг аҳоли иш билан таъминланди. Мева-сабзавот етиштириш ҳажми кескин ошиши бозорлардаги баҳоларга ижобий таъсир кўрсатди.

Яратилган имкониятлардан тўғри фойдаланиб, яхши тажриба ва тизим яратган туман ва маҳаллалар жуда кўп. Жумладан, Хўжабод, Мўйнок, Хазорасп, Шахрисабз, Яккабўғ, Нурота ва Сарисий каби ўнлаб туманларда янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадларини кўпайтириш борасида ижобий натижаларга эришилди.

Шу билан бирга, ҳали фойдаланилмаётган имконият ва захирапар ҳам мавжуд. Жумладан, республика бўйича 16 минг гектар майдон эгасиз ётибди. Чунки бу ерлар аҳоли яшайдиган жойдан узоқ, сув таъминоти оғир, мелиоратив ҳолати ёмон, лалми ва яйлов майдонлардан танлангани учун уларга деҳқонларда қизиқиш йўқ. Бундан ташқари, 4 минг 300 гектар майдон эгаларига кадастр берилмаган, яъни уларда ҳали эгалик ҳуқуқи мавжуд эмас. Мутасаддиларга ва вилоят ҳокимларига танловда эгаси аниқланмаган ерларни аҳоли учун қулай майдонларга алмаштириш, ер эгаларига кадастр ҳужжатини расмийлаштириб бериш топширилди.

Йиғилишда Президентимиз жорий йил якунигача қўшимча 20 минг, келаси йилда эса 100 минг гектар экин майдонини аҳолига бўлиб бериш таклифини илгари сурди. Бу жуда катта аҳамиятга эга ислохот. Чунки мазкур тадбир натижасида қўшимча 1 миллион 200 минг кишини иш билан таъминлаш ва даромадини ошириш имконияти яратилади. Тегишли вазирлик ва идоралар, вилоят ва туман ҳокимларига бир ой муддатда камида 1 мингта маҳаллада ҳажми 10 тоннагача бўлган кичик музлаткичлар ўрнатиш ҳамда 3 минг гектар ерда иссиқхона усулида эртаки маҳсулотлар етиштириш дастурини бошлаш топширилди. Бу мақсадлар учун 2022 йилда 50 миллион доллар, келаси йилда яна 100 миллион доллар ажратилади. Шунингдек, “дафтарлар”даги аҳолига ер берилганда, барча имтиёз ва тўловлар 1 йилгача сақланиб қолади. Танловда 1 нафар талабгор иштирок этганда ҳам танлов ўтказилган ҳисобланади. Маҳаллаларга ҳосилдор уруғ, қўчат етказиш ва маҳсулотини сотиб олиш учун 150 миллион сўм йўналтирилади.

Аҳоли томорқасида бир йилда 2-3 марта ҳосил олиш имконини берадиган тизим яратиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Айни пайтда 64 та тумандаги томорқалар эгалари йилига 3 марта ҳосил олиб, битта оила ўртача 60-100 миллион сўмгача даромад қилимоқда. Лекин Пешку, Зафаробод, Фориш, Ховос, Бўка, Оҳангарон каби 22 та туманда томорқадан фойдаланиш самарадорлиги жуда паст.

Қорақалпоғистонлик ва қашқадарёлик томорқа эгалари таклифларидан келиб чиқиб, сув таъминоти оғир маҳаллаларда катта қудуқ қазиб харажатлари учун ажратиладиган субсидия миқдори 150 миллион сўмгача оширилади. Кичик қудуқлар учун Қорақалпоғистонда



Музаффар Абдуллаев олган сурат.

“АҲОЛИ ТОМОРҚАСИДА БИР ЙИЛДА 2-3 МАРТА ҲОСИЛ ОЛИШ ИМКОНИНИ БЕРАДИГАН ТИЗИМ ЯРАТИШ ЗАРУРЛИГИ КўРСАТИБ ўТИЛДИ. АЙНИ ПАЙТДА 64 ТА ТУМАНДАГИ ТОМОРҚАЛАР ЭГАЛАРИ ЙИЛИГА 3 МАРТА ҲОСИЛ ОЛИБ, БИТТА ОИЛА ўРТАЧА 60-100 МИЛЛИОН СўМГАЧА ДАРОМАД ҚИЛМОҚДА.

5 метрдан, қолган ҳудудларда 10 метрдан ортиқ чуқуриликнинг ҳар бир метрига 100 минг сўмдан субсидия берилади. Қудуқ қазिशга гидрогеологик хулосалар 2025 йилга қадар бепул берилади. Шу пайтга қадар фермерларга сув тежовчи технологиялар жорий этиш учун берилаётган субсидиялар деҳқон ҳўжаликлари учун ҳам татбиқ этилади. Бунга жорий йилда қўшимча 65 миллиард сўм йўналтирилади. Ушбу имкониятлардан фойдаланиб, йил якунигача 400 та маҳаллада қудуқларни ишга тушириш ва 19 минг оила томорқасида сув таъминотини яхшилаш топширилди.

Юқорида баён этилган чора-тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш 820 минг гектар экин майдонида тақрибий экинларни жойлаштириб, қўшимча 11 миллион тонна маҳсулот олиш ва 2 миллион аҳолини иш билан таъминлаш имкониятини яратадиган, бу жуда катта ижтимоий ва иқтисодий самара келтиради.

Йиғилишда Президентимиз яна бир жиддий муаммага алоҳида эътибор қаратди. Яъни шу кунга қадар 2 миллион 600 мингта аҳоли хонадонининг кадастр ҳужжатлари қилинмаган. Натижада кадастри йўқ томорқа эгалари кредит, субсидия ҳамда уй-жойни кенгайтиришга ипотекадан фойдалана олмайдилар. Энг ёмони эса кадастри бўлмагани учун ер солиғи 3 баробар кўп миқдорда олинаяпти.

Шу боис, Адлия вазирлиги, Солиқ қўмитаси, Кадастр агентлиги ҳамкорликда 1 октябрга қадар кадастр ҳужжати бўлмаган хонадонларнинг маҳаллабай электрон рўйхатини шакллантириш ҳамда уй-жойга бўлган ҳуқуқларни эътироф этишга асос бўлувчи ҳужжатларни тўплайди ва электрон базага киритади. Мутасадди идоралар бу борада алоҳида қонун лойиҳасини ишлаб чиқади. Янги қонун қабул қилингунига қадар бу уй-жойлар эгасига уч қарра оширилган солиқ қўллаш тартиби тўхтатиб турилади. Биргина ушбу енгиллиكنинг жорий этилиши 10 миллиондан ортиқ аҳоли турмуш тарзига таъсир кўрсатади.

Мазкур йиғилишда Президентимиз йиғилиш ва қарорларни қамайтириш бўйича ҳам фикрларини баён этди: **“Бундан бунён йиғилиш ва қарорларни қамайтириб, ижро ва аҳоли муаммолари бўйича ишлабдиган тизим бўлади. Самарқанд вилоятидаги ўрганишлар кўп камчиликларимизни кўрсатди”.**

Самарқанд вилоятидаги ўрганишлар натижалари сал аввалроқ муҳокама қилинган эди. 11 июль кунини ўтказилган мазкур йиғилишда Самарқанд вилоятида ислохотларнинг самарадорлигини ўрганишлар ҳақида тақдирот қилиниб, аҳоли ҳоким ёрдамчилари фаоллигини, таълим, соғлиқни сақлаш, интернет, жамоат транспорти соҳаларидаги силжешларни юқори баҳолагани, лекин ер ва сувдан самарали фойдаланиш, электр, газ ва ичимлик сув етказиб бериш, ер ажратиш, ердан фойдаланишга узоқ муддатли ҳуқуқ берилиши, маҳаллий ҳокимиятларнинг фермерлар фаолиятига ноўрин аралашувлари, суғурта ва банк тизими фаолияти каби масалаларда камчиликлар мавжудлигини айтган эди.

Бу тадқиқотлар кўрсатаяптики, ишимизда ҳали камчиликлар кўп. Ҳамма ўзгариши керак, иш услубларини ҳам ўзгариштириш керак. Чунки олдимизда ҳали энг қийин ва оғир ислохотлар турибди. Вазирлар Маҳкамасида, вазирлар ва ҳокимлар ҳам ўз тизимида ўн кун муддатда тузилмаси ва иш услубларини ўзгариштириш шартлиги кўрсатиб ўтилди.

Адлия вазирлигига аҳоли ва тадбиркорларнинг аниқликлардан хабардор қилиш ва уларга қулайликлар яратиш ҳамда қонунчилигини ихчамлаштириш бўйича янги тизимни ишлаб чиқиш топширилди.

Ҳисоб палатаси ва Молия вазирлигига берилаётган маблағлар мақсадли ишлатилиши, айниқса, қурилишни молиялаштириш, субсидия ва компенсация ажратиш жараёнларини рақамлаштириш бўйича янги тизимни ишлаб чиқишга кўрсатма берилди.

Президентимиз аҳолини қийнаётган уй-жой билан боғлиқ масалаларга ҳам тўхталиб ўтди. Уч йил аввал аҳолини уй-жой билан таъминлаш бўйича бозор тамойилларига асосланган янги ипотека тизими жорий этилган. Ушбу тизим доирасида тижорат банклари ипотека кредити ажратиш учун бюджетдан узоқ муддатли (20 йил) ресурслар билан таъминланди. Шунингдек, фуқароларга уйнинг жойлашган жойи ва майдонини мустақил танлаш ҳуқуқи берилди.

Натижада жорий йилнинг ўтган беш ойида ипотека кредитлари ҳажми 2,5 баробар ошиб, 310 мингдан зиёд оила шахсий уй-жойга эга бўлди. Уй-жой қурилиш ҳажми 3 баробар ошди. Асосий ставка ошганига қарамай, ипотека кредитлари бўйича банкларга ажратиладиган ресурс ставкалари ўзгаришсиз қолдирилди. Умуман олганда, жорий йилнинг 6 ойида тижорат банклари умумий миқдори 6,5 триллион сўм бўлган 36,4 мингта уй-жой заёми берди. 2021 йилнинг 6 ойига нисбатан ипотека кредитлари ҳажми 43,7 фоиз, ҳажми эса 85 фоиз ошди.

Лекин ипотека кредитларининг чекланган ҳажми ва субсидия ажратишда бюрократия бўйича аҳоли кўплаб эътирозлар билдирмоқда. Шунинг учун мутасаддиларга 1 сентябрдан бошлаб аҳоли даромадининг кредитга йўналтирадиган қисмини солиқдан озод қилиш чегарасини ошириш ҳамда ипотека кредитини ажратишда аҳоли даромадлари бўйича тижорат банкларига қўйиладиган талабларни енгиллаштириш юзасидан қарор лойиҳасини тайёрлаш топширилди.

Мутасадди ташкилот ва идораларга икки ҳафта муддатда субсидия ажратишда бюрократияни кескин қисқартириш, уни очик-ошкор қилиб, тўлиқ рақамлаштириш бўйича таклиф киритиш вазифаси қўйилди. Чунки субсидия ажратиш жараёнида ҳамон субъективизм, бюрократик тўсиқлар, таъмағирлик каби камчиликлар юз берапти. Бу ишни тўла рақамлаштириш унга инсоннинг ноўрин аралашувларининг олдини олади, субсидия беришда адолат тамойилларини ўрнатишга ёрдам беради.

Муҳтасар айтганда, 18 июлда ўтказилган йиғилишда қабул қилинган чора-тадбирлар экин ерлари ва томорқалардан самарали фойдаланиш орқали аҳолини арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш йўлида ташқиланган муҳим қадам бўлади. Фермер ва томорқа эгаларининг меҳнатдан манфаатдорлигини ошириш, юқори ҳосилдорликка эришишга ёрдам беради. Ҳамма етиштириш ва харид қилишни молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш, аҳолини уй-жой билан таъминлаш масаласида қўшимча имтиёзлар тақдим этди. Пировардида, иш ўринларини яратиш, камбағалликни қисқартириш ва аҳоли даромадларини оширишга янада кенг имкониятлар яратилади.

ИРРИГАЦИЯ

Сув манбалари абадий эмаслиги эндиликда барчага маълум. Дунё аҳолисининг ўсиши билан сув ва озиқ-овқатга бўлган талаб ҳам ортиб бормоқда. Сўнгги йилларда минтақада кузатилаётган сув танқислиги обихаётдан тежаб-тергаб фойдаланишни тақозо этмоқда. Оролбўйида ҳам сувдан самарали фойдаланиш борасида кенг қўламли ишлар амалга ошириляпти.



Жумладан, ўтган йили белгиланган дастур асосида Қорақалпоғистон Республикасида 16 та ирригация объектида 46,8 миллиард сўмлик, 27 та мелиорация объектида 56,2 миллиард сўмлик қурилиш ва реконструкция ишлари олиб борилди. Пировардида, 24 минг гектар майдоннинг сув таъминоти яхшиланиб, 17 минг гектар майдоннинг эса мелиоратив ҳолати яхшиланди.

Шунингдек, сув ҳўжалиги вазирлиги тасарруфидига насос станцияларидаги эскирган насос агрегат ва электродвигателлар янгисига алмаштирилди.

— 25 та сув ҳўжалиги объекти талабгор тадбиркорларга давлат-хусусий шериклик асосида берилди. Қолаверса, 2015-2022 йилларда чет эл инвестициялари эвазига минтақанинг жанубий туманларида 150,3 миллион долларлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Сув

ҳўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Бахтияр Жузбаев. — Бундан ташқари, жами 38 минг 347 гектар экин майдони, шундан 16 минг 301 гектар пахта, 12 минг 503 гектар бўғдой, 6881 гектар шולי ва 2662 гектар бошқа экин майдонларда лазер ускунаси ёрдамида текислаш ишлари олиб борилди. 2021 йилда фойдаланишдан чиқиб кетган 17 минг 145 гектар майдон қайта фойдаланишга киритилди. Албатта, буларнинг барчаси сувдан самарали фойдаланиш ҳисобига амалга оширилди.

Президентимизнинг “Кишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Қорақалпоғистонда 2022 йилда жами 17 422 гектар майдонда, шундан 15 418 гектар майдонда томчилатиб суғориш, 1 904 гектар майдонда ёмғирлатиб суғориш ва 100 гектар майдонда

ҲАР ҚАТРАСИ ҚАДРЛИ



дискретли суғориш тизимини жорий қилиш белгиланган.

Ҳозирда 12200 гектар пахта майдонларида томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш бўйича пудрат шартномалари расмийлаштирилиб, шундан 5 605 гектар майдон молиялаштирилган.

Молиялаштирилган майдонларда қурилиш ишлари бошланган бўлиб, 4 191 гектар учун 193 та ҳовуз қазиш ишлари ва 1 325 гектар учун 53 та насос-фильтр қурилмаларини ўрнатиш ва 763 гектар майдонда марказий қувурларни ўрнатиш ишлари амалга

оширилди ва ҳозирда 163 гектар майдонда технологиялар тўлиқ ишга туширилди.

Ёмғирлатиб суғориш технологиясини жорий қилиш бўйича бугунги кунга қадар 1 093 гектар ғалла майдонларида технология ишга туширилди.

— Жорий йилда жами 2560 гектар майдонда сув тежовчи технологияларни жорий этиш белгиланган, — дейди Тўртқўл туман ирригация бўлими бошлиги Анвар Қадиров. — Шундан 200 гектар ғалла майдонида ёмғирлатиб суғориш кўзда тутилган эди. Жорий мавсумда 213 гектар майдонда даст-

гоҳлар ўрнатилиб, ишга туширилди. Айни кунларда пахта майдонларида томчилатиб суғориш технологияларини ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда. Бу бўйича тумандаги 95 та талабгор фермер ҳўжалиги билан 2340 гектар пахта майдонларида томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш бўйича пудрат шартномалари расмийлаштирилди.

Туман ирригация бўлими маълумотларига кўра, айни пайтда бу борадаги ишлар бошлаб юборилган. Жумладан, 861 гектар учун 58 та ҳовуз қазиш ва 335 гектар учун 20 та насос-фильтр қурилмаларини ўрнатиш ишлари амалга оширилди.

Тўртқўл туманидаги “Намунали Бунёдбек-Асадбек” фермер ҳўжалиги аъзолари бошқаларга намуна кўрсатиб, томчилатиб суғориладиган пахта майдонларига марказий қувурларни монтажлаш ва эгатлар орасига қувурларни ётқириш ишларини биринчилардан бўлиб бошлади.

Томчилатиб суғоришнинг афзалликлари кўп. Гектарига оддий суғоришда 6500 метр куб сув сарф қилинса, томчилатиб суғоришда 1200 метр куб етади. Яна бир ижобий томони, фермер 5 йилгача ер солиғидан озод қилинади. Шунингдек, унга гектарига 8-10 миллион сўмгача субсидия берилади.

Албатта, ҳар биримиз сувнинг қадрини билишимиз керак. “Сув қадрини сувчи, зар қадрини заргар билар” деб эмас, балки сувни исроф қилмасликни, унинг обихаёт эканлигини барча бирдек теран англаши лозим. Қолаверса, фермер ва деҳқонларнинг оғирини енгиллаштириб, соҳада самарадорлиқни таъминлашга хизмат қиладиган янги тизимни кўпроқ татбиқ этишни бугун ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Минажатдин
ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



НУҚТАИ НАЗАР

АГРАР ИСЛОҲОТЛАРДАН ДЕҲҚОН ҲАМ, ДАВЛАТ ҲАМ МАНФААТ КЎРМОҚДА

Абдуғаффор ЖЎРАЕВ,
Термиз агротехнологиялар ва инновацион
ривожланиш институти ректори вазифасини бажарувчи,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Кейинги йилларда пахта хомашёсини етиштиришда деҳқон-фермер хўжаликлари ва кластерларга бозор талабларига тўлиқ жавоб берадиган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш имконияти яратилди. Айниқса, шу йилнинг 10 март куни Cotton Campaign халқаро коалициясининг Ўзбек пахтасига глобал бойкоти бекор қилингани мамлакатимиз тўқимачилик саноати ривожини учун катта йўл очди.



Бу борада давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 6 мартдаги “Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлганини таъкидлаш жоиз. Қарорга кўра, пахта-тўқимачилик кластерлари ташкил этилмаган жойларда фермерлар иштирокидаги кооперациялар фаолияти йўлга қўйилди. Фермерларнинг бундай иштироки кооперациялари худудлардаги пахта тозалаш корхоналари негизида ташкил этилди. Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларига мувофиқ, пахта-тўқимачилик кластерларига берилган имтиёзлар пахта хомашёсини етиштирувчи ва қайта ишловчи кооперациялар учун ҳам татбиқ қилинди. Бу билан юртимиз пахта-тўқимачилик соҳасида монополиянинг олди олинди.

Аслини олганда пахта хомашёсини етиштириш, қайта ишлаш ва сотишга бозор механизмларини жорий этиш борасидаги замонавий ёндашувга аввалроқ киришилган эди. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 23 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги фармонида асосан, пахта толасини

усуллар қўлланди. 1454,1 гектар пахтазор томчилатиб ва ёмғирлатиб суғорилди. Натижада йил кўрғочил келишига қарамай, ҳосилдорлик ошди. Вилоятда қишлоқ хўжалигининг ялпи худудий маҳсулотдаги улуши ҳозирча 50,4 фоизни ташкил қилади. Утган йили замонавий технологияларни қўллаш ҳисобига 72 минг 370 гектар пахта майдонидан 253 минг 566 тонна ҳосил етиштирилди. Уртача ҳосилдорлик эса 35 центнерга етказилди.

Вилоятда пахта-тўқимачилик кластерлари учун инвестициявий лойиҳалар дастури ишлаб чиқилган бўлиб, қиймати 1 триллион 982 миллиард 664 миллион сўмлик 35 та лойиҳа бажарилиши белгиланган. Бунинг натижасида 6 минг 209 та янги иш ўрни яратилиши режалаштирилмоқда.

Лойиҳалар доирасида “Denov tekstil klaster” пахтачилик кластери томонидан қиймати 6 миллион долларлик, йиллик қуввати 30 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган ёғ-мой заводи фойдаланишга топширилди ҳамда 250 та янги иш ўрни очилди.

Бугун вилоятда пахта етиштириш ва қайта ишлаш соҳасида 10 та пахта-тўқимачилик кластери ва 4 та пахта-тўқимачилик кооперацияси фаолият

майдонда томизғичли шланглар монтаж қилинди.

Деҳқончилик ривожини жамият тараққиёти билан бевосита боғлиқ. Ўзбек деҳқончилиги собиқ иттифоқ даврида бир қатор қийинчиликларни бошдан кечирди. Ўша давр қишлоқ хўжалиги шўролар талаби ва истагига мос равишда олиб борилди, деҳқон билан ҳисоблашилмади. Оқибатда қишлоқ хўжалиги фақат пахтачиликка ихтисослашди.

Бугун эса мамлакатда янги деҳқончилик йўналишлари пайдо бўлди. Мухими, пахта яккахокимлигига барҳам берилди. Пахта монокультураси (биргина экинга ихтисослашиш, бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг етиштирилмаслиги) бекор қилинди. Янги тизим — қисқа ротацияли алмашлаб экишга асосланди. Бунда

заводларни ташкил қилиш, ажратиш, уруғчилик корпорациялари сонини ошириш, юқори ҳосилдорликка эга деҳқон-фермер хўжаликлари ва кластерларни уруғчиликка мослаш ишлари бажарилди.

Юртимизнинг барча ҳудудини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган дастурий лойиҳалар тасдиқланди. Унга кўра, пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан 300 дан зиёд инвестициявий лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилди. Бунинг натижасида пахта хомашёсини қайта ишлаш имкониятига эга бўлиш орқали экспорт ҳажмини ҳам кўпайтириш, қўшимча иш ўрни яратиш ҳисобига халқимиз турмуш фаровонлигини янада оширишга замин яратилмоқда.

“ДЕҲҚОНЧИЛИК РИВОЖИ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ БИЛАН БЕВОСИТА БОҒЛИҚ. ЎЗБЕК ДЕҲҚОНЧИЛИГИ СОБИҚ ИТТИФОҚ ДАВРИДА БИР ҚАТОР ҚИЙИНЧИЛИКЛАРНИ БОШДАН КЕЧИРДИ. ЎША ДАВР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ШЎРОЛАР ТАЛАБИ ВА ИСТАГИГА МОС РАВИШДА ОЛИБ БОРИЛДИ, ДЕҲҚОН БИЛАН ҲИСОБЛАШИЛМАДИ. ОҚИБАТДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАҚАТ ПАХТАЧИЛИККА ИХТИСОСЛАШДИ.

асосий экин билан ўтмишдош ёки йўлдош экиннинг нисбати 1:1 ёки 1:2 дан ошмайди. Асосий экин салмоғи 50 фоиз атрофида бўлади ва бир майдонга узоғи билан 1-2 йил мобайнида экилади. Эски тизимда асосий экин 70-80 фоизни ташкил этган.

Собиқ иттифоқ даврида фақат пахта экиш оқибатида туپроқ унумдорлиги ва ундаги чириқди миқдори камайди. Энди тезпишар, рақобатбардош навларни яратиш керак эди. Буни олимпла-римиз муваффақият билан уудалади.

Президентимизнинг шу йил 7 июлдаги “Пахта ҳосилдорлигини ошириш, пахта етиштиришда илм ва инновацияларни жорий қилишнинг қўшимча ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу йўналишдаги ишларни янги босқичга олиб чиқишда навбатдаги қадам бўлди. Унга мувофиқ, пахта ҳосилдорлигини ошириш бўйича янги тизимни жорий қилиш, пахта етиштиришда илм ва инновацияларга асосланган уруғчилик, нав танлаш, ерга ишлов бериш, ўғитлаш, суғориш ишлари йўлга



“ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА ДИВЕРСИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ, МАҲСУЛОТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БОРАСИДАГИ ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАСИДА АГРАР СОҲАДА ФАОЛИЯТ ЮРИТИШНИНГ ЯНГИ ТИЗИМИ — КЛАСТЕР УСУЛИ КИРИБ КЕЛИШИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА, ХУСУСАН, ПАХТА-ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИДА КАТТА ИМКОНИЯТЛАРГА ЙЎЛ ОЧДИ.

ишлаб чиқариш ва сотишда бозор тамойилларини ҳамда механизмларини кенг жорий қилиш, пахта толаси бозорида рақобат муҳитини яратиш, пахта маҳсулотлари учун ҳисоб-китобнинг жаҳон амалиётида умумий қабул қилинган шакллари жорий этиш масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Мисол учун, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг модернизация ва диверсификация қилиш, маҳсулотни қайта ишлаш саноатини ривожлантириш борасидаги изчил ислотлар натижасида аграр соҳада фаолият юритишнинг янги тизими — кластер усули кириб келиши қишлоқ хўжалигида, хусусан, пахта-тўқимачилик саноатида катта имкониятларга йўл очди.

Кластер усулида фаолият юритиш қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ресурсларни тежайдиган техника ва технологиялардан фойдаланиш, қишлоқ жойларга саноатни олиб кириш, янги иш ўринлари яратиш, юқори қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, инфратузилмани ривожлантиришда қўл келадиган.

Жумладан, 2021 йили Сурхондарё вилоятида пахтачиликда замонавий

юртмоқда. Улар томонидан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ернинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, туپроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, сувтежамкор технологиялар ва мақбул алмашлаб экиш тизимига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада халқаро тажрибалардан фойдаланиляпти.

Вилоятда бу йил 12 минг 800 гектар ерда ингичка тонали, 59 минг 570 гектарда ўрта тонали пахта замонавий агротехнологиялар асосида етиштирилмоқда. Бу борада илмий-тадқиқот ва қишлоқ хўжалиги институтлари мутахассислари илмий-амалий маслаҳатлари билан кўмак бериб келмоқда.

Ҳар бир минтақанинг туپроқ-иқлим шароитига мос навлар яратилди. Уруғчилик тизими янгиланди — амалиётга беш йиллик схема жорий қилиниб, биринчи йили супер элита етиштириш, иккинчи йил элита, 3, 4, 5-йилларда 1, 2, 3-репродукциялар татбиқ этила бошлади.

Ўз навбатида, пахтани қайта ишлаш масаласи ҳам кўн тартибига қўйилди. Қисқа даврда пахтачилик соҳасида катта тарихий ўзгаришлар юз бериб, 2016 йилда пахта маҳсулотларини қайта ишлаш 60 фоизга етказилди. Энди мамлакатимизда етиштирилаётган пахта хомашёсини босқичма-босқич тўлиқ қайта ишлаш имконияти яратилмоқда.

Рақобатбардош, сифатли маҳсулот тайёрлаш мақсадида ғўза агротехникасида инновацион технологиялар кенг қўлланылмоқда. Туксиз чигит экиш, 6-8 қаторли сеялкаларни қўллаш, томчилатиб суғоришни жорий қилиш, қатор ораларида қора плёнкалардан фойдаланиш, ғўзани баргидан озиклантириш, чилпишни кимёвий усулларда ўтказиш, ҳосилни бир марта териб олиш, зарарсиз дефолиантлар сепиш каби технологиялар шулар жумласидандир. Мазкур агротехник тадбирларни амалга оширишда минерал ўғитлар нархи юқорилиги, ёнилғи етишмовчилиги ва қимматлиги каби муаммолар бор эдики, буларни бартараф этиш устида ҳукумат томонидан бир қатор ташаббуслар илгари сурилди.

Уруғчиликда нав тозаллиги талаб даражасида эмас эди. Бунинг учун кичик

қўйилади. Шу орқали пахта-тўқимачилик соҳасида экспорт ҳажми ва даромадни ошириш мақсадида маҳаллий шароитларда яхши ҳосил бераётган навлар таҳлил қилиниб, уларнинг супер элита ва элита уруғлари корхонаси белгиланади.

Худудларда туپроқ-иқлим шароитига мос энг мақбул навларни қўлайтириш ва экиш, туپроқ унумдорлиги, унинг кимёвий ва биологик хусусиятларининг илмий таҳлили асосида қўллаш мумкин бўлган кимёвий ва органик ўғитлар бўйича тавсиялар берилди. Ғўза касалликлари ва ҳашаротларга қарши курашиш бўйича самарадор препаратларни қўллаш кўрсаткичлари ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилади. Хусусий секторларни жалб қилган ҳолда, давлат-хусусий ҳамда хусусий уруғчилик кластерларини ташкил этиш ва бу орқали рақобат муҳитини яратиш, пахтачилик йўналишида илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш каби чора-тадбирлар амалга оширилади.

Қарорга мувофиқ, Сурхондарё вилоятида пахтадан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш мақсадида ишчи гуруҳ шакллантирилди. Ғўзанинг ҳозирги ҳолатидан келиб чиқиб, сўнгги 3 йилда худудда олинган пахта ҳосилдорлиги таҳлил қилиниб, туپроқ унумдорлиги, унинг кимёвий ва биологик илмий таҳлили асосида агрокимёвий таҳлиллар ўтказиш ҳамда пахтачиликда сув ва ресурстежамкор технологияларни жорий этиш бўйича ишлар бошланди.



ЖАРАЁН

Шу йил Фарғона шаҳридаги тиббиёт муассасалари қарийб 3 миллиард сўмлик тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 22 сентябрдаги “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларни молиялаштиришни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Очиқ бюджет” ахборот порталига Фарғона шаҳар туғуруқ комплекси ва 3-, 4-, 5-, 6- ва 7-оилавий поликлиникаларга тиббий жиҳозлар олиш учун таклиф киритилганди. Бу таклиф ишчи комиссия ва Фарғона шаҳар тиббиёт бирлашмасининг тегишли хулосасига асосан қабул қилинди ва овоз бериш жараёни ўтказилди.



“ОЧИҚ БЮДЖЕТ”: МУАММОЛАР ЖАМОАТЧИЛИК ИШТИРОКИДА ШАФФОФ ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

“Очиқ бюджет” жараёни орқали энг кўп овоз билан ғолиб бўлган Фарғона шаҳридаги туғуруқ комплексига инфузия насоси, операция столи жамланмиси, пульсоксиметр сингари 6 турдаги тиббий асбоб-анжомлар сотиб олинди. Шунингдек, қолган поликлиникаларга ҳам замонавий тиббий жиҳозлар харид қилинди.

Утган йили илк бор ўтказилган “Очиқ бюджет” ахборот порталида энг кўп овоз тўплаган 145 та таклиф инсон омилсиз тўғридан-тўғри ғолиб деб топилди. Мазкур жараёнда 221 минг 226 нафар фуқаро иштирок этди. Улар томонидан илгари сурилган ташаббусларда кўтарилган муаммоларни бартараф этиш учун пудратчи ташкилотларга 35 миллиард 674,8 миллион сўм ўтказиб берилди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, “Очиқ бюджет”, “Ташаббусли бюджет” тамойилларини ҳаётга татбиқ этишда адолат ва шаффофлик сари жиддий қадам қўйилди. ЭНДИЛИКДА ФУҚАРОЛАР НАФАҚАТ БЮДЖЕТ МАЪЛУМОТЛАРИ БИЛАН ТАНИШИБ БОРИШ, БАЛКИ БУ ЖАРАЁНДА БЕВОСИТА ИШТИРОК ЭТИШ, ЎЗЛАРИНИ ҚИЙНАБ КЕЛАЁТГАН МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ УЧУН ТЕГИШИЛИ МАБЛАҒЛАРНИ ТАЛАБ ҚИЛИШ ИМКОНИЯТИГА ҲАМ ЭГА БЎЛДИ.

“ОЧИҚ БЮДЖЕТ”, “ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ” ТАМОЙИЛЛАРИНИ ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИШДА АДОЛАТ ВА ШАФФОФЛИК САРИ ЖИДДИЙ ҚАДАМ ҚЎЙИЛДИ. ЭНДИЛИКДА ФУҚАРОЛАР НАФАҚАТ БЮДЖЕТ МАЪЛУМОТЛАРИ БИЛАН ТАНИШИБ БОРИШ, БАЛКИ БУ ЖАРАЁНДА БЕВОСИТА ИШТИРОК ЭТИШ, ЎЗЛАРИНИ ҚИЙНАБ КЕЛАЁТГАН МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ УЧУН ТЕГИШИЛИ МАБЛАҒЛАРНИ ТАЛАБ ҚИЛИШ ИМКОНИЯТИГА ҲАМ ЭГА БЎЛДИ.

ган муаммоларни ҳал қилиш учун тегишли маблағларни талаб қилиш имкониятига ҳам эга бўлди.

— Ҳар бир маҳалланинг ўзига хос муаммолари бор, — дейди Қувасой шаҳри “Кўчқорчи” маҳалла фуқаролар йиғинида умргузаронлик қилаётган Иқболжон Турсунов. — Ички йўллари таъмирлаш, сув, электр ва газ таъминотини яхшилаш, мактаб, боғчанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда допзарб. Чунки аҳоли кундалик ҳаёт тарзи билан боғлиқ масалалар ечимига ажратилган маблағлар баъзи ҳолларда керакли жойларга етиб бормаслиги, бунда жамоатчилик иштирокининг йўқлиги сабаб бўлаётгани ҳам бор гап. Энди буларга ечим топилди. Маҳалламиз кўчасини асфальтлаш юзасидан билдирган таклифим “Очиқ бюджет” порталига жойлаштирилди. Овоз бериш жараёнида бу таклиф 844 та тарафдор тўплаб ғолиб бўлди ва “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси” томонидан 562 миллион сўм маблағ ажратилиб, кўчамиз асфальтланди.

Сўх тумани фуқароси Гулҳан Мамажоновнинг “Чашма” МФЙни табиий газ билан таъминлаш борасидаги таклифи “Очиқ бюджет” ахборот порталига жойлаштирилгач, 241 та овоз тўплаб, ғолиб деб топилди. Бу лойиҳага 950 миллион сўмлик маблағ ажратилиб, кўтарилган муаммога ечим топилди.

— “Ташаббусли бюджет”га ажратилаётган маблағлар миқдори

кундан-кунга кўпайиб бормоқда, — дейди вилоят молия бошқармаси бўлим бошлиғи Ҳайитбой Хайруллаев. — Жорий йилнинг февраль-март ойларида ўтказилган жараён учун маҳаллий бюджет параметрлари ҳамда маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан 115,4 миллиард сўм, шунингдек, Президентимизнинг 2022 йил 7 апрелдаги “Туман ва шаҳар бюджетлари маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш жараёнларида фуқароларнинг иштирокини янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги қарорига асосан қўшимча 21,2 миллиард сўм маблағ ажратилди. Бу жараёнда аҳолининг ижтимоий ва маданий ҳаёти билан боғлиқ муаммолар ечимини юзасидан қиймати 1 миллиард 457,1 миллион сўм бўлган 3 295 та таклиф келиб тушди. Барча таклифлар ишчи гуруҳ томонидан ўрганилиб, шундан 1117 таклиф низом талабларига зид деб топилди. Белгиланган мезонларга мувофиқ деб топилган, қиймати 873 миллиард 992 миллион сўм бўлган 2178 та таклиф овоз бериш

жараёнига ўтказилди. Овоз бериш якунларига кўра, энг кўп овоз тўплаган умумий қиймати 137,3 миллиард сўм бўлган 247 та таклиф ғолиб деб топилди.

Булар умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим ташкилотларини таъмирлаш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ички йўллари тартибга келтириш, ичимлик сув ва оқова сув тизимини яхшилаш, соғлиқни сақлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, кўча чиқорларини ўрнатиш ҳамда қонун ҳужжатлари билан белгиланган мезонларга мувофиқ ғолиб бўлган бошқа таклифлардир. Ишчи кунда уларни молиялаштириш, пудратчи корхоналарни аниқлаб буйича танловлар ўтказилмоқда.

“Ташаббусли бюджет” жараёнига аҳолини қамраб олиш кўрсаткичи бўйича Қўштепа, Сўх, Бешарик, Қува, Учкўприк, Ўзбекистон, Данғара, Фуқрат туманлари ва Қувасой шаҳри юқори натижаларни қайд этди. Қўқон ва Марғилон шаҳарлари, Тошкент, Ёзёнов, Фарғона туманлари бу борада оқсаб қолмапти. Демак, бу худудларда “Очиқ бюджет” ахборот портали мазмун-моҳияти, имтиёз ва имкониятларни хусусида тарғибот ишларини қучайтириш лозим. Шунда муаммолар масалаларни ҳал этишда, бюджетдан фойдаланишда аҳолининг ижтимоий фаоллиги янада ошади.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ОСТОНАСИДА



Саидахбор БУЛАТОВ,
Тошкент давлат педагогика
университети профессори,
педагогика фанлари доктори

Халқимиз тарихи, қадрияти, илм-фани ва маданият дурдоналарини ҳар томонлама илмий ўрганиш ва таҳлил этиш ғоят муҳим. Бу ҳақда сўз кетганда, давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурда Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориди келтирилган куйидаги жумлаларни эслаш ўринлидир: “Улуг аجدодларимиз томонидан яратилган ва бугунги кунда бутун маърифатли дунёни ҳайратга солиб келаётган илмий мерос фақат бир миллат ёки халқнинг эмас, балки бутун инсониятнинг маънавий мулки бўлиб, бу бебаҳо бойлик янги ва янги авлодлар учун донишмандлик ва билим манбаи, энг муҳими, янги кашфиётлар учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир”.

Мақкур қарор асосида Ислом цивилизацияси маркази барпо этишда уни қандай нақшлар билан безашга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бу безаклар одатдагидек бўлмай, мантикий ечимга эга, ўзида тарихимиз, давлатчилигимиз, илм-фанимизга хос фалсафий маънони мужассам этган бўлиши керак эди. Меъморлар, олимлар, санъатшунослар ўрта-сида кечган муҳокамалар пайтида Самарқанддаги Улугбек мадрасаси пештоқида Ислом цивилизацияси марказининг асосий дарвозаси учун айнан мос нақшларни топиш мумкинлиги тўғрисидаги тақлиф илгари сурилди. Бу ғояни чуқур ўзлаштириш учун мамлакатимиз қурилиш вазирлига топшириқ берилди. Уша куни вазир бир қанча олим ва меъморларни йиғиб, Улугбек мадрасаси пештоқидаги безакларни ўрганиш учун Самарқандга юборди.

“ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ
МАРКАЗИ ДАРВОЗАЛАРИНИНГ
НОМЛАНИШИ ВА УЛАРНИНГ
БЕЗАГИДА МАНТИКИЙ АСОС
БОРЛИГИ ДУНЁ ОЛИМЛАРИНИ
ЛОЛ ҚОЛДИРИШИ ТАБИИЙ.
ПРЕЗИДЕНТИМИЗ МАРКАЗГА
ТАШРИФ ЧОҒИДА “УШБУ МАРКАЗ
МИЛЛИЙ ТАРИХИМИЗ ВА
МАДАНИЯТИМИЗНИ, МИЛЛИЙ
ЎЗЛИГИМИЗНИ ТИКЛАШ ВА
ЯНАДА РАВНАҚ ТОПТИРИШ
ЙЎЛИДА ЯНГИ ДАВРНИ БОШЛАБ
БЕРАДИ. БУ МАРКАЗ УЧИНЧИ
РЕНЕССАНСНИНГ ИЛМИЙ
ПОЙДЕВОРИ БЎЛИШИ КЕРАК”,
ДЕГАН ЭДИ.



ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИ

Ундаги ҳар бир нақш, безак боболаримизнинг тенгсиз заковати, маърифатидан дарак беради



Самарқанддаги Улугбек мадрасаси қаносидаги безакларини таҳлили.

Топшириққа асосан, 2018 йили олти ойдан ортиқ вақт давомида илмий изланиш олиб бордик. Натижада Улугбек мадрасаси пештоқида XV асрда Мирзо Улугбек раҳбарлигида ишланган астрономик безакда бутун оламнинг космогоник ҳаритаси тасвири аниқланди. Ушбу харита ўша даврда яратилган биринчи ва дунёда ягона нусха ҳисобланиб, 600 йилдан бери ўз тадқиқотчиларини қутиб келмоқда эди.

Бу янгилик ҳақида кўплаб олимлар ижобий фикр билдирди. Жумладан, академик Аҳмадали Асқаровнинг ёзишича, ушбу харита ҳозир Ислом цивилизацияси марказининг асосий портали бўлиши Улугбек дарвозасига туширилмоқда. Зотан, марказ биносининг ҳар бир дарвозаси ўз номи ва рамзий мазмунига эга.

Шундан сўнг тажрибали олимлар ва ўнлаб ёш мутахассислар тадқиқотга жалб қилинди. Улардан бири — ёш олим, архитектура фанлари бўйича фалсафа доктори Мадина Соипова билан биргаликда Мирзо Улугбек қурдирган меъморий обидаларда, Зангиота мақбараси, Шоҳизинда мажмуасининг киравериш дарвозаси пештоқида, Тожмаҳал ва бошқа меъморий ёдгорликларда ҳам

оламнинг космогоник ҳаритаси рамзий тасвири акс эттирилгани исботланди.

Ислом цивилизацияси маркази дарвозаларининг номланиши ва уларнинг безагида мантикий асос борлиги дунё олимларини лол қолдириши табиий. Президентимиз марказга ташриф чоғида “Ушбу марказ миллий тарихимиз ва маданиятимизни, миллий ўзлгимизни тиклаш ва янада равнақ топтириш йўлида янги даврни бошлаб беради. Бу марказ Учинчи Ренессанснинг илмий пойдевори бўлиши керак”, деган эди. Шунинг учун марказдаги меъморий безаклар шунчаки безак эмас, балки муайян мантиқа, ҳикматларга эга бўлмоқда. Шу даражадаки, тарихдан хабардор инсон уларнинг рамзий маъносини очиб, китоб сингари ўқиса бўлади.

Олимларга шундай вазифалар қўйилдики, Ислом цивилизацияси маркази шундай санъат асари бўлиши лозим, токи дунё олимлари кўзи билан қараганда, ҳар бир мажмуанинг ҳар бир қисми, безаги томошабинга, зиёратчига фикр бера олиши, ўзига хос рамзий маънога эга бўлиши ва энг замонавий дизайнда безатилиши, асрлар давомида ўз қийматини ва теран моҳиятини йўқотмаслиги керак.

Шу маънода, жаҳон астрономия илмини ларзага солган, олти юз йилдан ортиқ вақт давомида дунё олимлари тилида достон бўлган буюк олим Мирзо Улугбек ҳаёти, илмий фаолиятини ўрганиш ва тадқиқ этиш натижасида маълум бўлаётган илмий кашфиётлар ҳанузгача башариятни лол қолдирмоқда. Илмий-маърифий меросини тадқиқ қилиш бўйича ўрганилган маълумотлар бобомизнинг кўп қиррали фаолиятини очиб бериш билан бирга, номини мангуликка муҳрлади.

Мирзо Улугбек барпо этган меъморий ёдгорликларга боқсак, ўша даврда тасвирий ва амалий санъат турлари нақадар юксак даражада ривожланганига иқдор бўламиз. У қурдирган расадхонанинг ички девори ва шифтида фалакиёт, Ер шари, етти иқлим билан боғлиқ кашфиётлар, муҳим белги, рамиз, тимсол ва рақамлар тасвири туширилган. Уларни Абдуразоқ Самарқандий бундай таърифлаган: “... У олий бунёд ва улғусифат иморатнинг хоналари ичига тўққиз фалакнинг ҳайъатию тўққиз (осмон) доиралари шакллари даражалар, дақиқалар, сониялардан тортиб то ошираларгача (чизилди) ҳамда айланувчи фалаклар, етти сайёра, собита юлдузлар кўриниши ва ер қурраси ҳайъатию иқлимлар сувратлари тоғлар, биёбонлар, ...дилназар нақшлари, беназир рақамлар билан дарж этилди”.

Мирзо Улугбекнинг дўстлари ва яқинлари орасида Қозизода Румий, Ғиёсиддин Қоший, Али Қушчи каби машҳур математик-астрономлар Улугбек мадрасаси деворига (расадхонада ҳам) етти иқлим ҳаритасини чизганлар. Ҳозир етти иқлим ҳаритасининг қорозга кўчириб олинган нусхаси сақланади.

XV асрда Регистонда қурилган Улугбек мадрасасининг тархи ўқув юртлари композициясига хос. Ҳовли айланасида икки ошёнли қилиб талабалар учун махсус хоналар қурилган. Ғарб томонида масжид, бинонинг тўрт томонида талабалар ёз кунлари шугулланадиган энли айвонлар жойлашган. Шарқ томонида икки ёнини юксак миноралар эгаллаган. Анча ботиқ равоқнинг бурчакларида юлдуз нақшли гириҳ — юлдузли осмон тасвирланган. Улугбек учун бу мавзу тасоддий эмас: у ҳаётини фалакиёт илмига бағишлаган. Мақкур мадраса талабалари ушбу фанни эгаллаши зарурлиги, таълим бериш тартиби айрим қондалар доирасида чекланмаслиги ишора қилади.

“МИРЗО УЛУГБЕКНИНГ
ДЎСТЛАРИ ВА ЯҚИНЛАРИ
ОРАСИДА ҚОЗИЗОДА РУМИЙ,
ҒИЁСИДДИН ҚОШИЙ, АЛИ
ҚУШЧИ КАБИ МАШҲУР
МАТЕМАТИК-АСТРОНОМЛАР
УЛУГБЕК МАДРАСАСИ
ДЕВОРИГА (РАСАДХОНАДА
ҲАМ) ЕТТИ ИҚЛИМ
ХАРИТАСИНИ ЧИЗГАНЛАР.
ҲОЗИР ЕТТИ ИҚЛИМ
ХАРИТАСИНING ҚОҒОЗГА
КЎЧИРИБ ОЛИНГАН НУСХАСИ
САҚЛАНАДИ.

Улугбек мадрасаси безаклари геометрик, ёзувли ва ўсимликсимон нақшлардан иборат. Энг кўп ишлатилган нақш геометрик гириҳ, яъни ҳандасий нақшлардир. Бундай нақшлар жуда катта математик аниқлиқни талаб қилади. Геометрик нақшлар борлиқнинг аниқ ўлчам ва шаклга эгаллигига ишора қилади. Юлдузсимон нақшларнинг кўп ишлатилгани Мирзо Улугбек бутун умрини фалакиёт илмига бағишлагани далилидир. Улугбек мадрасаси пештоқидаги безакларда галактикаларнинг бир-бири билан жанжирсимон, умумий ўзаро тортишиш кучи билан боғланган чексиз гравитацион тизим, яъни дунё (метагалактика) ҳаритаси ўз аксини топган. Бу коинотдаги барча жисмлар, сайёралар тортишиш қонунига бўйсунганини ҳам билдирса ажабмас. Шундай қилиб, Мирзо Улугбек фикр-мулоҳазалари ва илмий фаразларини астрологик нақшлар орқали акс эттиришга муваффақ бўлади.

Ислом цивилизацияси маркази миллий тарихимиз ва маданиятимизни, миллий ўзлгимизни тиклаш ва янада равнақ топтириш йўлида янги даврни бошлаб беради. Халқимизнинг юксак маърифати ва маънавиятини кўрсатиш, буюк тарихимизни ўрганиш, аждодларимиз илмий меросини тадқиқ этиб, дунё ахлига тақдим қилишда муҳим аҳамият касб этади. Давлатимиз раҳбари айтганидек, бу марказ халқимизнинг маънавий ва маърифий қудрати тимсоли бўлиб қолади.

БОҚИЙ МЕРОС

Сўз, соз, овоз
ноёб санъатнинг жон томирларидир

Кейинги йилларда халқимизнинг орзу-умиди, эзгу мақсади акс этган халқ оғзаки ижодида бўлган эътибор тубдан ўзгарди. Ўзбекистоннинг мусикий маданияти ўзининг кўп асрлик тарихига эга, илдишлари жуда қадимийлигидан далолат берадиган бахшичилик санъати эса бутун инсониятнинг номоддий маданий мероси намуналарига айланиб улгурган.

Бахшилар шу жиҳатдан эзгулик эччилари ҳисобланган ва ҳамиша эъзозлаб келинган. Ана шундай эътибору эъзоздаги санъаткорлардан бири, Ўзбекистон халқ бахшиси Шоберди Болтаев 1944 йил Сурхондарё вилояти Бойсун туманининг Мунчоқ қишлоғида туғилган.

Бахшичилик санъати унинг қонида бўлиб, отаси Болта Алиев моҳир созанда эди. Ёш Шоберди 7 ёшидан оқ бахшичилик санъатига қизиқиб, отасининг дўмбирасини яширинча черта бошлади. Отаси ундаги истеъдодни пайқаб, ўғлини дўмбира чертиш сирларидан воқиф қилишга киришди, ўзининг 32 нағмасини мерос қилиб қолдирди (*бахшичилик*

санъатида куйни нағма деб аташади.)

Асли касби ўқитувчилик бўлган Шоберди бахши Болтаев институтда ўқиб юрган кезлари Ўзбекистон халқ бахшиси Хушбўқ бахши Мардонақулдан достон ва терма ижро этишни ўрганadi. Утган асрнинг 60-70 йилларида Мунчоқ қишлоғидаги 8-мактабда ўқувчиларга кимё ва биология фанларидан сабоқ берган бахши кейинчалик алкимёгар янглиг чин сўз ва соз, оҳанг уйғунлигини топиш илминги билан ўзини буткул бахшичилик санъатига бағишлади.

Куйларининг ҳар бири маълум бир воқеликни, туйғунни, кечинмани ифода этади. Бундан тингловчининг дили

яйрайди, меҳр ва муҳаббатга тўла нағмаларни эшитган инсон борки, губорларини унутади.

Шоберди бахши илк маротаба “Ойпарди” термаси билан халққа танилди. Кейинчалик мақкур терма унинг шоғирди — Ўзбекистон халқ артисти Маҳмуд Намозов томонидан замонавий услублар уйғунлигидида маромида ижро этилди. Шоберди бахши халқ орасида айтган илк достони “Нурхоннинг ютилиши”ни соатлаб тинмай ижро этган. У достонни шундай берилиб ижро этадики, гўё ўзини ўша воқелик ичида ҳис этади.

Машҳур бахшининг дўмбираси 70 йилдирки унга ҳамроҳ. Азалдан дўмбира

устоздан шоғирдга, авлоддан-авлодга ўтиб, кўп йиллар хизмат қилади. Шоберди бахши созига таъриф бериб: “Бу дўмбира ҳам отамнинг кўлига тушганига, яъни Алиевлар хонадонига тушганига 90 йил бўлади, ясалганига эса 1 асрдан ошган бўлса ажаб эмас”, дейди.

Бахши халқимизнинг тўй-томошаларида, юртимизнинг байрам тантаналарида ва вилоят, республика миқёсида ташкил этилган кўрик-танловларда доимий иштирок этиб келган. У 1983 йил Шахрисабзда бўлиб ўтган Республика бахшиларининг кўрик-танловида 3-ўрин, 1989 йил Денов шаҳрида бўлиб ўтган айнаи шундай танловда 1-ўринни кўлга

киритган. 1991 йил Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё бахшилари кўрик-танловида “Олий мукофот” савриндори бўлди.

Бахшичилик санъатини чет элларда намойиш этиш, тарғиб қилиш мақсади ортидан Шоберди бахши Болтаев кўпгина хорижий мамлакатларда икждий сафарларда бўлди. Жумладан, 1988 йилда Францияда бўлиб ўтган “Урта Осиё халқлари маданияти кунлари”да “Алломиш” достони ижроси билан томошабинларнинг олқишига сазовор бўлди. Бахшининг ҳаёти ва ижоди ҳақида фильмлар яратилди.

Халқимизнинг аънавий бахшичилик

санъатини қайта тиклаш ва кенг тарғиб этиш, ўсиб келаётган ёш авлодга ушбу ноёб санъат сирларини ўргатишда, келажак авлодларга халқ достонларини мерос қилиб қолдириш борасида олиб борган хизматлари учун Шоберди бахши Болтаев 2000 йил Ўзбекистон халқ бахшиси фахрий унвони, 2007 йил “Эл-юрт хурмати” ордени билан тақдирланди.

Бугунги кунда машҳур бахшининг сабогини олган эплликдан зиёд истеъдодли шоғирди юртимизда ўтказилган нуфוזли анжуманларда, республика ва халқаро кўрик-танловларда фаол қатнашиб келмоқда. Улар орасида Ўзбекистон халқ бахшиси унвони соҳиблари ҳам бор. Зеро, бахшининг санъатида 3 та нарсаси муҳим бўлади: сўз, соз, овоз. Ортидан эргашиб келаётган ёш бахшилар шу уч омилни ўзида жамласа, ушбу ноёб санъатимиз боқийлик сари юз тутаверади.

Айни вақтда Шоберди бахши Болтаев Бахшичилик санъатига ихтисослаштирилган Республика мактаб-интернати директорининг касбий таълим бўйича ўринбосари лавозимида ишлаб келмоқда.

Изланиш, ҳали қулоқ эшитмаган достонларни излаб топиш ва ижрога йўналтириш, халқимизнинг бахтли ва саодатли кунларини тараннум этиш, эртанги кунга умид каби ижролар устознинг доимий ҳаёт тарзига айланган қолган. Зеро, у асрлар силсиласида сайқалланган санъат куйчиси сифатида обрў-эътибор толган ижодкордир.

Муяссар ТУЛЯКОВА,
Республика бахшичилик
маркази илмий ходими

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлғемалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонпар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-764.
82285 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими А2.** Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Мухтасар Тожимаматова
Мусахҳих: Малохат Минғобоева
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилими:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўза Яқуни — 01:30 Топирилди — 01:55